

СОЛИҚ ва
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 5 (1381) • 2021 йил 2 февраль

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

АВни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинди. Бу фойда солиғига қандай таъсир кўрсатади

2-3-бетлар

Ижарага берувчи ижарачидан ер солиғи суммасини қоплашни талаб қилиши мумкинми

4-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

5-8-бетлар

Бухгалтер, амортизацияни тўғри ҳисобланг!

9-10-бетлар

Қайта ишлашга берилган материаллар кимнинг мулки?

13-бет

Ваколатли иқтисодий операторга қандай талаблар қўйилади

14-15-бетлар

Олтин-кумуш – тош бўлур...

16-бет

ДХШ: ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ
АНИҚЛАШТИРИЛДИ

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Қонун (22.01.2021 йилдаги ЎРҚ-669-сон) қабул қилинди.

Қонун билан «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ куйидаги ҳолатларда республика ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига йўл қўйилади:

- давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ва инвестиция шартномалари доирасида жалб этиладиган чет эл инвестициялари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномалари бўйича Президентнинг қарорлари асосида.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ энди концессияга оид муносабатлар ҳам ушбу Қонун билан тартибга солинади.

Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган ДХШ лойиҳаси бўйича тендер ҳужжатлари ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи – ДХШни ривожлантириш агентлиги билан келишиб олинади.

Қонун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ДХШ соҳасидаги ваколатларини белгиловчи 12¹-модда билан тўлдирилди. Уларга ўз тасарруфидаги объектларни аниқлаш, истиқболли лойиҳаларни ўрганиш ва белгилаш, ДХШ лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўқтинлик қиладиган

омилларни аниқлаш, ер участкаларини аукцион ўтказмасдан ажратиш бўйича ваколатлар берилди.

Лойиҳалар бўйича ДХШ тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш эквивалентдаги умумий қийматига қараб куйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1 млн АҚШ долларига қадар бўлганда – ДХШ тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда давлат шериги ва хусусий шерик томонидан мустақил равишда;
- 1 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – ваколатли давлат органи билан келишувга кўра;
- 10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра.

Хусусий шерикнинг ҳуқуқлари кафолатлари ҳам аниқлаштирилди. Хусусан, белгиланишича, ДХШ тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган қонунчиликнинг ўзгартирилиши тўғридан тўғри хусусий шерикнинг ДХШ лойиҳаси доирасидаги харажатлари ошишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик куйидагиларни талаб қилишга ҳақли бўлади:

- ДХШ объектдан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини;
- агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини.

Энди кредиторлар иштирокидаги ДХШ лойиҳалари доирасида кредиторлар давлат шериги ёки хусусий шерик билан тўғридан-тўғри битимлар тузиши мумкин бўлиб, уларда куйидагилар инобатга олинади керак:

- хусусий шерик (хусусий шерик раҳбариятининг) алмаштирилиши ёки четлаштирилиши муносабати билан кредиторларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- хусусий шерик алмаштирилган ёки четлаштирилган ҳолларда, ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шериги томонидан хусусий шерикка тўланиши лозим бўлган тўловларни кредиторларга тўлаш мажбурияти;
- ДХШ тўғрисидаги битимни бекор қилиш ҳавфини камайтиришга доир шартлар;

- ДХШ тўғрисидаги битим муддатидан олдин тугатилганда тўланадиган тўловлар;

- ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши ҳақидаги, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъминлини тўғрисидаги ахборотни алмашиш тартиби.

ДХШни қўллаб-қувватлаш механизми белгилади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим Ўзбекистон номидан Молия вазирлиги томонидан имзоланади ҳамда, агар тегишли қарорларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Президентнинг қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг Битимни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 23.01.2021 йилдан қучга кирди.

Эльмира СИРАЗИЕВА.

КИМЛАРГА МҲХС БҲҲИЧА ҲҚИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 26.01.2021 йилдаги 38-сон қарори билан бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида ўқитиш ва имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартибини белгиловчи вақтинчалик низом тасдиқланди. У 2025 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

– Низом куйидагиларни белгилайди:

- МҲХС бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатлари таркиби;
- ушбу харажатлар қоплаб берилувчи шахслар тоифаси;
- МҲХС бўйича ўқитиш харажатларини қоплаш тартиби;

- бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби;
- МҲХС бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини молиялаштириш манбалари.

Молия вазирлиги ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажат-

лари қоплаб бериладиган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва халқаро бухгалтер сертификатлари рўйхатини белгилайди.

Давлат ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажатларини қуйидагилар учун қоплаб беради:

- 1) олий таълим муассасаларининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрлари;
- 2) олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (туғатгандан сўнг 6 ой давомида);
- 3) давлат органлари ходимлари.

Ўқитиш харажатларини қоплаш халқаро бухгалтер сертификатлари доирасидаги фанлар ва (ёки) курслар – «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR ACCA)» бўйича амалга оширилади. Бунда ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказларида амалга оширилиши керак.

Имтиҳонлар топшириш жараёнидаги куйидаги харажатлар қоплаб берилди:

- бухгалтерларнинг хал-

қаро сертификатини берувчи халқаро ташкилотга жисмоний шахснинг аъзо (талаба) бўлиши учун Ўзбекистонда дастлабки рўйхатдан ўтиш бўйича;

- Ўзбекистонда имтиҳон топшириш учун биринчи ва иккинчи марта рўйхатдан ўтиш бўйича.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан қучга кирди.

Шоҳиста ЁҚУБОВА.

ҚАЙТА БАҲОЛАШ ВА АМОРТИЗАЦИЯ –

2021 йил 1 январдан бошлаб асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинди. Бу фойда солиғига қандай таъсир қилишини молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ тушунтирди:

– 2021 йил 1 январдан бошлаб барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинган (30.12.2020 й. ПҚ-4938-сон).

30.12.2020 йилдаги ЎРҚ-659-сон Қонун билан СКнинг 306-моддасига ўзгартиришлар киритилган, уларга асосан 1 январдан бошлаб:

• амортизация харажатлари солиқ солиш мақсадларида асосий воситаларнинг қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан аниқланади;

• 2020 йил якуни ҳолати бўйича балансда бўлган асосий воситалар учун фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоби мақсадида бошланғич қиймат АВнинг 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича балансда акс этган қиймати

ҳисобланади. У илгари – 2021 йил 1 январга қадар ўтказилган қайта баҳолашлар натижаларини ўз ичига олиши мумкин;

• 2021 йил 1 январдан кейин балансга қабул қилинган АВ учун – улар балансда акс эттирилган санада шакллантирилган бошланғич қиймат;

• 2021 йил 1 январдан кейин қайта баҳолаш ўтказилганда унинг натижаси солиқ солиш мақсадларида амортизация ҳисоблашда ҳисобга олинмайди;

• амортизацияланадиган активларнинг бошланғич қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ капитал қўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзгаради.



Хулоса: мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинганлигига қарамай, корхоналар узок муддатли активларни қайта баҳолашлари мумкин, агар бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатида белгиланган танланган ҳисоб моделлари буни талаб этса.

Қайта баҳолаш

Мажбурий қайта баҳолашнинг бекор қилиниши ташкилотлар бухгалтерия ҳисоби мақсадларида ўз ҳисоб сиёсатларига мувофиқ АВни ихтиёр (ташаббусга кўра) қайта баҳолашни ўтказишлари мумкин эмаслиги ёки ўтказмасликлари кераклигини

аниқламайди. 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш ёки ўтказмасликни – корхона раҳбарияти 2021 йил учун бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳал қилади.

МИСОЛ. Корхона раҳбарияти уларнинг қиймати бозор қийматига тўғри келади деб ҳисоблаб, 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолашни ўтказмасликка қарор қилди.

– 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича мажбурий қайта баҳолаш январь ойида, яъни – уни бекор қилиш тўғрисидаги норма кучга киргандан кейин ўтказилган бўлар эди. Шу боис корхона уни ўтказмасликка ҳақли.

Уни 2021 йилга бухгалтерия ҳисоби учун ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритадиган буйруқ билан расмийлаштиринг. Ўзгартиришлар санасини 2021 йилнинг январь ойи билан белгилашингиз мумкин эди. Сиз бундай қилишга ҳақлисиз, сабаби мазкур масалани тартибга соладиган қонунчилик ўзгарган (АВ томонидан 14.08.1998 йилда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон БҲМСнинг 56.3-б.).

Қайта баҳолаш натижасида активларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарлар солиқ солиш мақсадларида чегириладиган харажатлар сифатида ҳисобланмайди (СК 305-м. 10-қ., 317-м. 31-б.).

Микрофирмалар ва кичик корхоналар асосий воситаларни 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолаши керакми

Мажбурий қайта баҳолашни бекор қилиш уларда охири қайта баҳолаш қайси йилда ўтказилганидан қатъи назар микрофирмалар ва кичик корхоналарга ҳам тааллуқли.

2021 йил учун ҳисоб сиёсатига АВни қайта баҳолаш қонунчилик билан бекор қилинганлиги муносабати билан уни чиқариб ташлаган ҳолда ўзгартириш киритинг.

Жорий йил учун ҳисоб сиёсати

ўтган йил якунида тасдиқланган бўлиши кераклигига қарамай, сиз қонунчиликка тузатишлар қабул қилинганлиги муносабати билан унга ўзгартиришлар киритишга ҳақлисиз (1-сон БҲМСнинг 55, 56.3-б.).

Бунда агар бу бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатида назарда тутилган бўлса, сиз ихтиёр (ташаббусга кўра) қайта баҳолашни ўтказишингиз мумкин.

Амортизация ҳисоблашда нима ўзгаради?

Ҳам миллий, ҳам халқаро ҳисоб стандартлари – улардан фойдаланиш усулларига боғлиқ ҳолда узок муддатли активларга амортизация ҳисоблашнинг турли усуллари назарда тутади.

Амортизация – бу фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини харажатларга ўтказиш.

2021 йилдан бошлаб фойда солиғи солиш мақсадларида балансда

Молиявий ҳисоботда активларнинг ҳақиқий ҳаққоний қийматини акс эттириш зарур, сабаби у инвесторларга тақдим этилади. Ҳар қандай қайта баҳолаш АВ қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида ўтказилади. Агар асосий фондларнинг балансда акс эттирилган қиймати бозор нархлари даражасига мос келмаса, корхона бухгалтерия ҳисоби учун ҳисоб сиёсатида уни ўтказишнинг даврийлиги ва мезонларини назарда тутган ҳолда ташаббусга кўра қайта баҳолашни ўтказиши мумкин (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 24, 25-б.).

УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - ДХШ: хусусий шерикнинг ҳуқуқлари кафолатлари аниқлаштирилди
 - Кимларга МҲХС бўйича ўқиш харажатлари қопланади

1, 15-бетлар
- **МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ**
 - Қайта баҳолаш ва амортизация – 2021 йилдаги ўзгаришлар

2-3-бетлар
- **СОЛИҚ СОЛИШ**
 - Агар таъсисчи ўзгарган бўлса
 - Қоплаш назарда тутилмаган
 - Қоидалар ҳамма учун бир хил
 - Эҳтиёт қисмларни алмаштиришда ҚҚС

4-бет
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
 - «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

- ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»
- 5-8-бетлар
- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
 - Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси қандай ҳисобланади

9-12-бетлар
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
 - Ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга тўловлар ЖШДСдан озод этилган
- Қайта ишлашга берилган материаллар – буюртмачининг мулки
- Бухгалтерия ҳисобидида акс эттирилмайди
- 13-бет
- **БОЖХОНА**
 - Аквиз бекор қилинди: бу нархларда қандай акс этади
 - ВНО мақомида янгилик
 - Яширин иқтисодиёт йўлига ғов бўлиб...
 - Қимматбаҳо тош савдоси «қимматга тушиди»
- **ХОТИРА**
 - Маслаҳатчи дўст эди

14-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Кун тартибида: Давлат дастури, давлат тили, йўл ҳаракати қоидалари ва Халқлар дўстлиги кун масалалари

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг 2020 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнларини сусайтирди, аввалдан тузилган қатор истиқбол режаларини ўзгартиришга мажбур қилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида 2020 йилда ЯИМ ўсиши ўтган йилга нисбатан 101,6%ни, саноатда – 100,7%ни, хизматлар соҳасида – 102,3%ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигида – 103%ни ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 9,8 млрд АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар, шу жумладан 7 млрд АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг 2,8 млрд доллар маблағлари ўзлаштирилган. 2020 йилда ялпи экспорт ҳажми 15,1 млрд АҚШ долларини ташкил этган.

Экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимиз ҳудудларида 2,7 мингта янги янги корхоналар экспорт фаолиятига жалб қилинган, 210 та янги турдаги маҳсулотлар ҳамда айрим товар позициялари бўйича 40 та янги давлат бозорларига чиқишга эришилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида ўтган йилда республика бўйича жами 378,1 мингта янги иш ўринлари ташкил этилган. 66 мингта янги юридик мақомга эга бўлган кичик бизнес субъектларида 168,9 мингта янги иш ўринлари яратилган.

2020 йилги Давлат дастурида 284 та банд белгиланган бўлиб, шундан 206 та банд тўлиқ бажарилган, 20 та банднинг мuddати белгиланган тартибда узайтирилган, 58 та банднинг ижроси юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳалари қўриб чиқилмоқда.

Мажлисида халқ вакиллари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чоралари енгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонун билан белгиланишича:

➢ йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш;

➢ йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш;



➢ автомобиль йўлларини ўзбошимчилик билан қозиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик;

➢ йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш – фуқароларга 2 БҲМ, мансабдор шахсларга эса – 10 БҲМ миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш – 0,5 БҲМ миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Депутатлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида давлат тили ўзбек тили экани белгиланган. Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида давлат тилини татбиқ этиш билан боғлиқ муносабатларда айрим камчиликлар кузатилмоқда. «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда эса унинг амалга оширилишини таъминлайдиган, бу соҳада ягона давлат сиёсатини олиб боровчи махсус давлат органи ва унинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар умуман ёритиб берилмаган.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида қонуннинг мақсади ва уни қўллаш соҳасини белгиловчи нормалар, Ўзбекистонда бошқа тилларнинг мақоми, тил бўйича камситилишга йўл қўймаслик акс эттирилган.

Қонун лойиҳасида давлат тилини ривожлантириш соҳасидаги мамлакат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг давлат органлари ва ташкилотларининг бу борадаги ваколатлари назарда тутилган.

Давлат органлари ва ташкилотлари, таълим, маданият, ноширлик соҳалари фаолиятида ҳамда ОАВда, географик объектлар номларида, фуқаролар исмида, муҳр, тамга ва кўргазмали маълумотларда, халқаро муносабатларда давлат тилининг қўлланилиши акс этмоқда.

Бундан ташқари, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати кўзда тутилаётгани баробарида, мазкур қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланган. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Мажлисида депутатлар «Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаси билан 30 июль – Халқлар дўстлиги кунини сифатида нишонланиши белгиланган. Халқлар дўстлиги кунини байрам қилишдан асосий мақсад – инсонлар, халқлар, давлатлар – умуман олганда жамиятнинг турли қатламлари ҳамда тузилмалари ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Лицензия шартномасини патент вакилида тасдиқлаш лозими?

6-БЕТ

Ташкилотда меҳнат жамоаси кенгаши бўлиши шартми

7-БЕТ

«Яроқлилик мuddати» билан «хизмат мuddати» бир хил тушунчаларми?

8-БЕТ

Ўриндош таътилар графигида кўрсатиладими?

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Президент томонидан афв этиш тартиби тасдиқланди

Президентнинг 26.01.2021 йилдаги ПФ-6146-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 8.05.2018 йилдаги ПФ-5439-сон Фармони билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Низом Президент томонидан ўз ихтиёрига кўра маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиш тартиби белгиланган 6'-боб билан тўлдирилди.

Президент маҳкумнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахснинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, ўз ташаббуси билан исталган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

Президентнинг бу ҳақдаги топшириқ хати Президентнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат ор-

ганлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчи бўлинмаларининг фуқаролик ва афв этиш шубҳасига (кейинги ўринларда - Шубҳа) юборилади, Шубҳа топшириқ хатини олган кундан эътиборан 1 иш куни ичида Комиссия аъзоларига мажлис ўтказилиши куни ва жойи ҳақида хабар беради.

Комиссия таркибига Олий суд, Бош прокуратура, ДХХ, ИИБ, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, шунингдек Ёшлар ишла-

Деҳқонлар ва томорқа ер эгалари молиявий қўллаб-қувватланади

Президентнинг 27.01.2021 йилдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4964-сон қарори қабул қилинди.

Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 млрд сўм миқдорида маблағ ажратилади. Маблағлар тижорат банклари орқали Давлат бюджетини қўллаб-қувватлашга жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағлари ҳисобидан берилади. Ушбу маблағлар қуйидагиларга йўналтирилади:

➢ «Томорқа хизмати» МЧЖлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

➢ томорқа ер эгаларини молиявий таъминлаш.

Мазкур маблағларнинг 100 млрд сўми жорий йилнинг биринчи чорағида, қолган қисми ҳақиқий талабдан келиб чиқиб, кейинги чорақларда молиялаштириб берилади. Камида 50 млрд сўми «Туронбанк» АТБ орқали лимончилик йўналишидаги лойиҳалар учун ажратилади.

Шунингдек Жамғарманинг 413 млрд сўм миқдоридаги маблағлари тижорат банклари орқали кредит маблағлари ажратишга йўналтирилади. Жамғармага «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда АТ «Халқ банки» билан биргаликда Жамғарма томонидан аввал ажратилган кредит маблағларининг сўндирилган қисми ҳисобидан янги лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит маблағлари ажратилишини таъминлаш топширилди.

Эльмира Сиразиева.

Давлат харидлари тартиб-таомили ўзгартирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 26.01.2021 йилдаги 37-сон қарори билан давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомиллари ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари белгиланди.

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Молия вазирлигига қуйидагиларни амалга ошириш топширилди:

➢ 2021 йил 1 апрелга қадар махсус ахборот порталида қурилиш соҳасида давлат харидларини электрон шаклда ўтказишни назарда тутувчи алоҳида саҳифа яратиш;

➢ 2021 йил 1 майга қадар Марказий ахборот порталини яратиш бўйича техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида экспертизадан ўтказиш;

➢ 2021 йил 1 сентябрга қадар давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи ва ташқи ахборот тизимлар билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот портали дастурий мажмуасини яратиш ва уни кузатишни таъминлаш чораларини кўриш.

Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади. Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган маблағлар ҳамда

ри агентлиги ва «Нуроний» жамғармаси вакиллари киритилади.

Комиссия мажлиси якуни бўйича Шубҳа томонидан маҳкумларни ёки жазони ўтаб бўлган шахсларнинг шахсини ва ҳужжатларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилади. Ишчи гуруҳ муҳокамага киритиш учун ҳужжатлари ажратиб олинган маҳкумлардан ёки жазони ўтаб бўлган шахслардан уларга нисбатан афв этиш масаласи кўриб чиқилишига эътироз йўқлиги ҳақида розилик хатини олади. Маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс розилик хатини ёзмаган тақдирда, унинг ҳужжатлари Комиссиянинг муҳокамасига киритилмайди.

Комиссия ишчи гуруҳга тақдим этилган ҳужжатларни муҳокама қилиб, афв этилиши мумкин бўлган шахслар бўйича баённома қарорини қабул қилади ва Президентга таклиф қиритади.

Комиссиянинг шахсни афв этишга тавсия қилишни рад этганлиги маҳкумга ёки жазони ўтаб бўлган шахсга келгусида афв этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишга монелик қилмайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан кучга кирди.



Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан кучга кирди.

Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш марказининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари ижросининг муассислари тўғрисидаги маълумотлар Молия вазирлиги ва ДСҚ ахборот тизимлари ўртасидаги ахборот алмашинувидан фойдаланган ҳолда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритилади.

Ҳужжат билан Давлат харидлари марказий ахборот порталини юритиш бўйича функционал талаблар ҳамда Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторини юритиш қоидалари тасдиқланди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

УШБУ СОҒДА	ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ	ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ	МАҚОМНИ ЙЎҚОТМАСЛИК УЧУН ХОДИМЛАР СОНИНИ ОШИРМАНГ	ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ	АВТОНОРМА	МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ	ҲОКИМИЯТ УЧУН КЎРСАТМА	ИСТЕЪМОЛЧИ БУРЧАГИ
	– Кун тартибида: Давлат дастури, давлат тили, йўл ҳаракати қоидалари ва Халқлар дўстлиги куни масалалари 1-бет	– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 2, 4-бетлар	– Ишончли шахс жалб этилмайди – Олдиндан тўлов – бу қарз эмас	– Алоҳида шартнома тузинг 3-бет	– Ватанга қайтишда муаммо бўлмайди – Соддалаштирилган тартиб кимлар учун амал қилади 4-бет	– Рекорд нархга сотилган авторақам эгаси пулни тўлай олмайди. Рақам қайта сотувга қўйилди	– Муддат узайтирилди – Ҳокимият учун кўрсатма – Йўқ қилиш учун топшириш – Асос мавжуд – Янги қоидалар ва жарималар 5-бет	– Таътил – иш вақти эмас – Сменали график учун – Ишдан бўшатиш мумкин эмас, жазолаш керак 6-бет	– Даво билдириш ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида – Сотувчи мажбурияти – Қизикарли даврлар 7-бет
									– МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ – Халқаро меҳнат ташкилоти: Ўзбекистонда пахта теримига мажбурий жалб этиш ҳолати 4 фоиз – Асосий иш бўйича таътил ўриндошлик асосидаги таътилдан кўп бўлса... 8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrigi» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Ишончли шахс жалб этилмайди

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш хорижий корхонаси оддий ёзма шаклда тузилган товар белгиларидан фойдаланиш бўйича лицензия шартномасига эга. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотида (WIPO) рўйхатдан ўтказилган товар белгисига мутлақ ҳуқуқга эга бўлган жисмоний шахс билан шартнома тузилди. Лицензия шартномасини патент вакилида тасдиқлаш лозими?

– Патент вакилига зарурат барча ҳолатларда ҳам юзага келвермайди. Бироқ товар белгиси ёки лицензия шартномасига бўлган ҳуқуқни бошқага ўтказиш шартномаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 30-м. 5-қ.).

Шартномани (унга ўзгартиришларни) рўйхатдан ўтказиш патент эгаси (ҳуқуқ эгаси) томонидан мустақил равишда ёки Агентликда рўйхатдан ўтказилган патентланган ишончли шахс орқали амалга оширилади (АВ томонидан 17.06.2005 йилда 1481-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг

4-б.). Патент вакили мажбурий тартибда Ўзбекистондан ташқарида доимий яшайдиган жисмоний шахсининг ёки чет эл жисмоний шахсининг манфаатларини ифодалайди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда доимий яшайдиган, бироқ вақтинчада унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар Ўзбекистондан ташқарида ёзишмалар учун манзилни кўрсатишда патент вакили ёрдамисиз ҳам ҳаракат қилишлари мумкин (Қонуннинг 34-м. 3, 4-қ.).

Корхонангиз Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашганлиги сабабли шартномани патент вакилини жалб этмаган ҳолда Агентликда рўйхатдан ўтказиш мумкин.



Мақомни йўқотмаслик учун ходимлар сонини оширманг

Йил бошида ташкилотдаги ходимлар сони 48 кишини ташкил қилган (кичик бизнес, қурилиш, бунда 50 кишига руҳсат берилади). Йил давомида олий ўқув юртлиари ва лицейларининг тўрт талабаси ишга қабул қилинган (умумий ходимлар сонининг 50%гача ходимларни қабул қилишимиз мумкин), ходимлар сони 52 тага етган. Декабрь ойида ФХШ бўйича яна иккита ходимни ишга олиш режалаштирилган. Ходимлар сони 54 нафар бўлганда, йил якуни бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони 50 нафар бўлиши лозим бўлган кичик корхоналар учун ходимлар сонини ошириш ҳисобланмайдими?

– Ходимлар сонини ошиб кетиши йил якуни бўйича ходимлар сонига қараб эмас, балки бутун йил учун ходимларнинг ўртача сонига қараб чиқарилади.

Кичик тадбиркорлик субъектининг мақомини белгилаш учун асосий фаолият тури бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони инобатга олинади («Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-м. 3-қ.; Классификация, ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова; АВ томонидан 17.02.2017 йилда 2858-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-б.).

Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонига **меҳнат шартномалари**, ФХШ тузилган барча ходимлар киритилади, ФХШ бўйича хизматлар кўрсатадиган, ишларни бажарадиган яқка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно. Шунингдек унитар корхона-

лар, филиаллар ва ваколатхоналарнинг ходимлари ҳам ҳисобга олинади (2858-сон Низомнинг 2, 3-б.).

Ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлаш формуласи қонун ҳужжатларида белгиланган (Низомнинг 2, 3-боблари). Ходимлар сонини аниқлашда битирувчиларни ишга қабул қилишдаги имтиёзлар ҳам ҳисобга олиними лозим (28.07.2010 йилдаги ПФ-4232-сон Фармон).

Шу тариқа, йил якунларига кўра формула бўйича ҳисобланган ходимларнинг ўртача сони белгиланганидан (сизнинг корхонангиз бўйича 50 кишидан) ортиқча бўлса, корхона кичик бизнес субъекти мақомини йўқотиши мумкин. Мазкур ҳолатда у ходимлар сони оширилган давр мобайнида қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва ҳуқуқлардан маҳрум бўлади (Қонуннинг 5-м. 7-қ.).

Олдиндан тўлов – бу қарз эмас

Ташкилот пудратчи контрагентга 4 ой учун олдиндан аванс тўлаган бўлса, бу қарз бериш сифатида баҳоланмайдими?

– Йўқ, шартнома бўйича олдиндан тўлов қарз сифатида баҳоланмайди.

Пудрат шартномаси ва молиявий қарз шартномаси – булар ўзига хос хусусиятига, шартларига ва қоидаларига кўра иккита мустақил турдаги шартномалар ҳисобланади (ФК 631, 732-м.). Шу боисдан 4 ой учун аванс тўловлари пудратчига берилган қарз деб ҳисобланмайди. Шартнома бўйича олдиндан тўлов ва молиявий қарз турлича тушунчалар бўлиб, бир-бирининг ўрнини боса олмайди.

Пудрат ишлари учун тўлов тўлаш муддатлари ва тартиби шартнома томонлари билан келишиб олинади.

Алоҳида шартнома тузинг

АЖ давлат харидларини амалга ошириш хизматларининг корпоратив буюртмачиси ҳисобланади. Ҳозирги пайтда АЖ кўчмас мулкни ижарага олиш шартномасини тузмокчи, бунда ижарага берувчиларга товарларни омборга тушириш ва уларни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатилади. Тўғридан-тўғри шартномани фақат кўчмас мулк ижараси бўйича тузиш мумкин.

Давлат харидларини амалга оширишда хизматлар кўрсатиш билан бирга тўғридан-тўғри аралаш ижара шартномани тузиш мумкинми?

– Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат буюртмачилари томонидан махсус Рўйхатда (27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган товарлар харид қилинади. Нотураар жойни ижарага олиш, шу жумладан унинг таъминоти учун фойдаланиш харажатлари шартнома бажарувчиси томонидан товарларни ортиш (тушириш), сақлаш бўйича қўшимча хизматларни амалга оширишни назарда тутмайди (Рўйхатнинг 14-б.).

Давлат буюртмачиси томонидан ижрочи (ижарага берувчи) тақдим этадиган қўшимча хизматлар бўйича тўғридан-тўғри шартнома

тузилишига йўл қўйилади. Бироқ нотураар жой ижарасининг умумий суммасидан 10% лимитга риоя қилган ҳолда, давлат харидлари тўғрисидаги тўғридан-тўғри тузилган алоҳида шартнома бўлиши лозим (Рўйхатнинг 29-б.).

Тўғридан-тўғри алоҳида шартнома бўйича аввал етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) билан боғлиқ хизматларни амалга оширишни назарда тутувчи Рўйхатнинг 4 ва 5-бандлари давлат буюртмачиларининг аралаш элементларсиз тўғридан-тўғри алоҳида шартномаларни тузиш мажбуриятини билвосита тасдиқлайди.



Ватанга қайтишда муаммо бўлмайди

Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман, доимий асосда Молдовада яшайман. Яқинда ушбу мамлакатнинг фуқаросига турмушга чиқдим.

Чет давлат фуқаросига турмушга чиққанлигимни эътиборга олинганда, Ўзбекистонга қайтишим мумкинми?

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр-хотиннинг

фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Эр-хотиндан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-м.).

Шу тариқа, сиз никоҳдан ўтганлигиниз муносабати билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганликдан хавотирланмасдан, муаммосиз Ўзбекистон Республикасига қайтишингиз мумкин.



Соддалаштирилган тартиб кимлар учун амал қилади

Қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилинади? Эшитимизча, фуқароликка қабул қилишнинг умумий ва соддалаштирилган тартиби мавжуд экан.

– ЎзР фуқаролигига қабул қилишнинг умумий тартиби чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўл-

маган шахсга нисбатан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар у:

а) чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса;

б) фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳнома-си олинган кундан эътиборан ва ЎзР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан муружаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз 5 йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса;

в) тирикчилигининг қонуний манбаига эга бўлса;

г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

д) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса. Давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг «б» бандида назарда тутилган шарт Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳда бўлган ва никоҳ тузилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмуш ўртоғи билан биргаликда узлуксиз 3 йил давомида яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда, агар фуқаролиги бўлмаган шахс бир йил ичида Ўзбекистондан ташқарига жами 183 кундан ортиқ бўлмаган муддатга чиққан бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшалган муддат узлуксиз деб ҳисобланади (Қонуннинг 19-м.).

ЎзР фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби чет давлат фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандошга нисбатан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар у:

а) Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган лоақал битта ўзидан олдинги қариндошга эга бўлса;

б) тирикчилигининг қонуний манбаига эга бўлса;

в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

г) давлат тилини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулоқот қилиш учун зарур даражада билса.

Ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган шарт илм-фан ва илмий фаолият, техника, маданият ҳамда спорт соҳасида катта ютуқларга эга бўлган,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси учун манфаатли касбга ёхуд малакага эга бўлган ватандошга ва (ёки) унинг оила аъзоларига нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси материалларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини Қонун 20-моддасининг 1 ва 2-қисмларида кўрсатилган шахсларга бериш мақсада мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Қабул қилинган қарор асосида, агар ушбу шахс фуқароси бўлган давлат фуқаролигидан чиқадиган бўлса, шахсга ЎзР фуқаролигини бериш тўғрисида қафолат хати берилади.

Қафолат хатининг амал қилиш муддати 1 йил. ЎзР Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг қарорига биноан қафолат хатининг амал қилиш муддати яна 1 йилга узайтирилиши мумкин.

Қафолат хати ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан ариза берувчига ёки унинг қонуний вакилига топширилади ёхуд почта орқали юборилади.

ЎзР фуқаролигига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ ариза берувчи чет давлат фуқаролигидан чиққанлиги ҳақида ҳужжат тақдим этганидан кейин амалга оширилади (Қонуннинг 20-м.).

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Доимий яшаш ва вақтинча бўлиш жойлари бўйича рўйхатга олишга доир қандай ўзгартиришлар киритилди

Президентнинг 26.01.2021 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6146-сон Фармони қабул қилинди.

Ҳужжат билан, 28.08.2019 йилдаги ўРҚ-558-сон Қонунга ҳамда Президентнинг 22.04.2020 йилдаги ПФ-5984-сон Фармонида мувофиқ Президентнинг қуйидаги ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

1 Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) бошқа давлатлардан келган ва доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхатига (28.08.2018 йилдаги ПҚ-3924-сон қарор билан тасдиқланган) қуйидагилар киритилди:

➢ хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари);

➢ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 млн АҚШ

доллари миқдоридан инвестиция киритган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси) ҳамда уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари);

➢ «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари).

2 Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги низом ҳамда Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик йўл ҳужжатлари тўғрисидаги низом (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармон билан тасдиқланган) III бўлим билан тўлдирилди, унда суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган паспорт (йўл ҳужжати) ўрнига янги паспорт (йўл ҳужжати) бериш тартиби келтирилган.

Қидирувда бўлган айбланувчи ёки

судланувчи республика ҳудудида ушланган тақдирда суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган паспорт (йўл ҳужжати) ички ишлар органлари ёки чегара назорати бўлинмалари томонидан маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилади. Айбланувчига (судланувчига) паспорт олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома берилади.

Суд ажрими билан паспортнинг (йўл ҳужжатининг) амал қилиш муддати тўхтатиб турилган айбланувчига ёки судланувчига янги паспорт (йўл ҳужжати) маълумотлари йиғиш пункти томонидан паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмаган ҳолда, зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун ичида берилади.

Тергов ҳибсхоналари ёки вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсга янги паспорт (йўл ҳужжати) расмийлаштириш ушбу шахслар сақланаётган жойга борган ҳолда амалга оширилади.

3 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби

тўғрисидаги низомга (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4079-сон қарор билан тасдиқланган) тузатишлар киритилди. Фуқарога хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганлиги тўғрисида ва ҳамроҳлик қилувчи шахслар тўғрисида (вояга етмаган фуқаролар учун) паспортга киритиладиган штамплар намуналари, огоҳлантириш хати намунаси тасдиқланди. Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш биометрик паспортни олиб қўйиш ва республикага қайтиш учун гувоҳнома бериш тартиби белгиланди. Ушбу норма доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатида турган шахсларга татбиқ этилади.

Шунингдек доимий яшаш жойи ва вақтинчалик бўлиш жойи бўйича рўйхатга олишга доир Президентнинг бошқа ҳужжатларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан кучга кирди.

Эльмира Сиразиева.

АЖАБО!

Рекорд нархга сотилган авторақам эгаси пулни тўлай олмаган. Рақам қайта сотувга қўйилди

Йил бошида Самарқандда 30 Z 777 ZZ авторақам рекорд даражада салкам 600 млн сўмга сотилган эди. Мазкур авторақам яна қайта сотувга қўйилди.



Гап шундаки, 2021 йил 4 январиди ўтказилган рақобатли аукцион савдолар натижасига кўра «777» рақамлар комбинациясига эга авторақам Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг avtoraqam.uzex.uz веб-сайтида 596 млн 525 минг сўмга сотилган эди. Ушбу кўрсаткич биржанинг мазкур электрон савдо тизими ишга туширилган пайтдан буён авто-рақамнинг энг максимал баҳоси сифатида қайд этилганди. Аукционда талабгорлар томонидан 145 та нарх таклифлари келиб тушганди.

Аммо 29 январь кун Авторақамлар онлайн аукциониди мазкур авторақам яна қайта сотувга қўйилди.

Шу сабабли ЎЗА мухбири мазкур ҳолатга изоҳ сўраб, ИИБ ЙХХББ ахборот хизмати билан боғланди. Масъулларнинг ЎЗАга маълум қилишича, аукционда қолиб бўлган талабгор белгиланган суммани тўлай олмаган. Натижада белгиланган қоидаларга кўра, у томонидан тўланган 11 млн 150 минг сўм закалат шартнома мажбуриятлари ижро этилмаганлиги туфайли жарима сифатида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетиди даромадига ўтказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 687-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 16-бандига асосан, талабгор тўловни рад қилган, ундан бошқача тарада бош тортган ёки битим бўйича тўлов тўлиқ ҳажмида ўз вақтида ўтказилмаган ҳолатларда, ахборот тизими автоматик режимида таклиф қилган нархи биринчи қолиб таклиф қилган нархдан сўнг энг юқори бўлган талабгорни (иккинчи қолибни) рақобат тартиботи қолиби деб эътироф этади. Бошқача айтганда асосий қолиб белгиланган тўловни тўлай олмаганда, 2-ўринда энг катта нарх таклиф қилган талабгор қолиб бўлиши керак эди, ИИБ ЙХХББ ахборот хизматининг ЎЗАга маълум қилишича, иккинчи қолиб ҳам тўлов қилишни рад қилган.

Низомнинг 17-бандига кўра, иккинчи қолиб рад этган ҳолатда, ахборот тизими рақобат тартиботи амалга ошмади деб эълон қилади ва авто-рақамни қайтадан сотувга қўяди.

Амаким узоқ вақтдан бери хизмат сафарида. Техник паспортини алмаштириш ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг муддати тугаб қоляпти. Ўзбекистонга қайтганида уни жаримага тортишмай-дими?

– Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини, шунингдек автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилган гувоҳномасини мажбурий тартибда янги намунадагисига алмаштириш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилган (ВМнинг 2.03.2017 йилдаги 116-сон қарорининг 3-б.).

Ҳужжатларни Давлат хизматлар марказида (Ягона дарчада) алмаштириш мумкин. Дарвоқе бу жараён яшаш жойига боғлиқ эмас.

Ҳокимият учун кўрсатма

Қайси ташкилот йўл белгиларини ўрнатилиш билан шугулланади?

– Фуқаролар муурожаат қилганидан сўнг ЙХХБ ходимлари томонидан йўлнинг кўрсатилган қисмида белги ўрнатилиш заруратини ўрганиб чиқилади ва ҳокимиятга белгиларни ўрнатилиш юзасидан кўрсатма берилади.

Йўқ қилиш учун топшириш

Йўқотган ҳайдовчилик гувоҳномам ўрнига дубликат олдим. Яқинда гувоҳномамни топиб олдим. Энди нима қилишим керак?

– Топилган гувоҳномангизни белгиланган тартибда йўқ қилиш учун ҳудудий ЙХХБ РЭОга топширишингиз лозим (Низомнинг 71-б., ВМнинг 31.05.2018 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова).

Асос мавжуд

ЙПХ ходимлари машинани сабабсиз тўхтатишяпти. Бу ҳолат учун нималар муайян асос бўлиши мумкин?

– ЙПХ ходими томонидан транспорт воситалари куйидаги асосларга кўра тўхтатилиши мумкин:

- ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг (ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова) бузилиши визуал кузатувда аниқланганда ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда;
- транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчи қидирувда эканлиги, йўл

транспорт ҳодисаси ёки бошқа ҳуқуқбузарликка алоқадор эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

- ЙТХ, ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрган ҳайдовчи ёки йўловчидан ҳодиса тафсилотига ойдинлик киритиш зарурати юзага келганда;
- ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш жараёнида;
- транспорт воситасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш зарурати юзага келганда (чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари

ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно);

- махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида;
- транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи, шунингдек транспорт воситаси ва олиб кетилаётган юкларга оид ҳужжатлар мавжудлигини текшириш учун (махсус ва ҳарбий юклар, божхона расмийлаштирувдан ўтказилиб, божхона хизмат томонидан пломбаланган юклар бундан мустасно).

ЙПХ ходими томонидан бошқа асосларга кўра транспорт воситаларининг тўхтатилиши тақиқланади (ВМнинг 1.12.2018 йилдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-б.).

Янги қоидалар ва жарималар

ХОРИЖДА ҚАНДАЙ

Янги йилда автомобилчиларга тааллуқли бўлган қонунчиликдаги турли янгилликлар кучга кирди. Россияда маълумотномаларни олиш бўйича ўзгартирилган тартиб-таомиллар, шунингдек янги жарималар амал қилишни бошлади.

Автомагистралдаги жарималар

10 январдан пулли автомагистрал бўйича бепул ҳаракатланганлик учун жарима амал қилишни бошлади. РФ МХТКга тегишли тузатишлар киритилди. РФ МХТКнинг 12.21.4-моддасига мувофиқ энди бундай ҳуқуқбузарликни содир этган енгил автомобиллар ҳайдовчилари учун жарима 1,5 минг рублни, шунингдек оғир юк автомобиллари, тижорат фургонлари ва автобуслар ҳайдовчилари учун 5 минг рублни ташкил қилади.

Замонавий тўлов тизимлари эга бўлган, шлагбаумларсиз ишлайдиган, автомагистраллар ишга туширилгандан сўнг янги жаримани жорий қилиш зарурати юзага келди.

Булар Москва яқинидаги марказий ҳалқа автомобиль йўли (ЦКАД), шунингдек free-flow инфратузилмасига эга Москва-Санкт-Петербург «Нева» трассаси ҳисобланади. Улар бўйлаб ҳаракатланишда рўйхатдан ўтказилган транспондерлардан тўлов олинади. Тўсиқлар мавжуд эмаслиги сабабли исталган автомобиль бўш йўлақдан ўтиб кетиши мумкин бўлган. Энди бундай қилиш анча мураккаб бўлади, чунки free-flow тизими билан боғлиқ ўрнатилган камералар автомобиль рақамини қайд этади ва ҳаракатланиш қоидалари бузилган тақдирда баённома тузиш учун маълумотлар ДИХХИга юборилади.

Тиббий маълумотнома олиш бўйича янги тартиб

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳайдовчиларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 6-сон буйруғида қониди психоактив моддалар, шу жумладан алкоголь мавжудлиги юзасидан мажбурий тартибдаги текширувларнинг жорий этилиши назарда тутилганлиги ҳайдовчиларга маълум қилинди. Бундай таҳлиллар қиймати деярли 9 минг рублни ташкил этади, бу эса ҳайдовчиларда эътирозларига сабаб бўлди. Қонун талаблари енгиллаштирилди, энди автомобилчилар

маълумотнома олишда фақат наркологи томонидан фуқарода наркомания ва алкогольизм аломатлари аниқланганда, унинг кўрсатмасига биноан бундай таҳлиллар топширилади.

Қонун 2020 йил 1 июлдан кучга кириши керак эди, бироқ пандемия туфайли кучга кириш муддати 2021 йилнинг бошига қўчирилди.

Янги техник кўрик қоидалари

2021 йил 1 мартдан бошлаб техник кўрик пунктларида ташхис картасини олиш тартиб-таомиллари янги регламент бўйича ўтказилади. Автомобилни суратини қайд этиш ва станция ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан электрон баённома тузиш талаб этилади. Станция ходимлари ягона базага кузатув ҳужжатлари билан бирга машинанинг олд томонидаги ва орқа қисмидаги рақам белгиларининг суратини юборишлари лозим. Бу автомобильнинг ТХСда эканлиги далилини тасдиқлаш ҳамда ташхис картасини қалбакилаштириш айблови қўйилишининг олдини олиш учун зарурдир.

Россия автосугурталовчилар уюшмаси (РСА) маълумотларига кўра, ташхис карталари электрон шаклда бўлади, қоғоз шаклидаги карталар эса транспорт воситасининг хорижга чиқиши учун берилади. Нафақат ҳайдовчилар ва сугурталовчилар, балки ДИХХИ ходимлари ҳам электрон базадан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Давлат техник кўригидан ўтишда ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ДИХХИ ташхис картасини бекор қилишга ҳақлидир. Йўлда машинани кўрикдан ўтказиш чоғида унинг конструкциясида бошқариш механизми ёки тормоз тизимидаги носозликлар сингари хавфли шикастланишлар аниқланган тақдирда ҳам шундай қилинади.

Манба: auto-mail.ru.



Таътил – иш вақти эмас

Ходим 11 соатдан вахта усулида ишлайди. Жамланган ҳисоб юритиладиган ходимлар учун беш кунлик иш ҳафтасида бир йил учун иш соатлари нормаси белгиланган. Иш соатлари жамланган ҳисоб бўйича юритиладиган ходимларнинг белгиланган иш соатлари нормасидан таътил ва касаллик варақалари учун неча соат олиб ташланиши лозим?

– Иш соатлари нормаси фақат иш соатларини ҳисоблаш учун белгиланади ҳамда таътил кунлари ва касаллик даврига боғлиқ бўлмайди.

Мазкур норма иш соатларининг норма сонидан ошиб кетмаслиги лозим. Иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилганда 5 кунлик иш ҳафтаси учун 1 йиллик даврни ҳисобга олганда иш соатлари куйидагича бўлади:

- > 2020 йилда – 2 042 соат;
- > 2021 йилда – 2 010 соат.

Шу тариқа, ходим томонидан ушбу нормадан ортиқча ишланган барча соатлар иш вақтидан ташқари ишланган соатлар ҳисобланади ва икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади (МК 157-м.).

Ишланган соатларнинг умумий сонини ҳисоблашда ходим бир йилда ҳақиқатда ишлаган соатлари ҳисобга олиниши лозим.

Таътил ва касаллик варақасида бўлган даврлар иш вақти ҳисобланмайди ва улар учун белгиланган тартибда ҳақ тўланади. Улар иш вақти ҳисобига киритилмайди.

Сменали график учун

2021 йил 2 январь, иш графигидан қатъи назар, ҳамма учун ишланмайдиган кун деб эълон қилинган. Аралаш график бўйича ишлайдиган ходим учун 2021 йил 2 январь кун қандай ҳисобланади?

– 2021 йил 2 январь шанба, 20 март шанба, 22 март душанба ва 4 сентябрь шанба кунлари, иш ҳафтаси туридан ва иш графигидан қатъи назар, барча ходимлар учун ишланмайдиган кунлар ҳисобланади (3.12.2020 йилдаги ПФ-6122-сон Фармоннинг 3-б.).

Сменали график учун ходимларга дам олиш кунлари ўзгарувчан график бўйича бериледи

ва кўрсатиб ўтилган кунлар улар учун байрам ҳам, дам олиш кунлари ҳам ҳисобланмайди, графика мувофиқ куйидаги тартибда ҳисобланиши лозим:

- > ушбу кунларда ишлайдиганлар учун – оддий иш сменаси сингари;
- > бу кунларда шламайдиганлар учун – ҳақ тўланмайдиган кунлар сингари.

Ишдан бўшатиш мумкин эмас, жазолаш керак

3 ёшга тўлмаган боласи бўлган ходимани меҳнат интизомини бузганлиги учун (МКнинг 100-моддаси бўйича) ишдан бўшатиш мумкинми?

– Йўқ, мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тақиқланади, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно (МК 237-м.).

Меҳнат интизомини бузган ходимларга нисбатан ҳайфсан ва жарима сингари интизомий жазолар қўлланилиши мумкин (МК 181-м.).

Компанияда ходимларнинг вакиллик органи бўлиши зарурми

Ташкилотда бундай орган бўлиши зарурми? Агар шундай бўлса, бу касабга уюшмаси бўлиши лозимми? Бундай орган мавжуд бўлмаганлиги учун иш берувчи жавобгарликка тортилиши мумкинми? Саволарга «Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова жавоб берди:

– Ходимларнинг вакиллик органи (ВО) – касабга уюшмаси бўлиши шарт эмас. Бу, масалан, Меҳнат жамоаси кенгаши ҳам бўлиши мумкин (МК 21-м.).

Бундай органини тузиш ходимларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Яъни ташкилотда вакиллик органи тузилиши ёки тузилмаслиги мумкин. Бундай орган мавжуд бўлмаганда, иш берувчи жавобгарликка тортилмайди.

Бироқ, бошқа томондан қараганда, ташкилотда бундай орган бўлгани мақбул ҳисобланади. У ходимларга ҳуқуқ ва манфаатларини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш, иш берувчига эса корхонанинг айрим локал ҳужжатларини

(таътилар жадвали, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқалар) қонунийлаштириш учун зарурдир.

Таътилар жадвали (МК 144-м.) ва ички меҳнат тартиби қоидалари (ИМТҚ) ташкилотнинг зарурий локал ҳужжатлари ҳисобланади. ИМТҚ, бошқа ҳужжатлар қатори, меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатлари рўйхатини белгилайди, ушбу ҳуқуқбузарликлар учун ходимни МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-банди бўйича ишдан бўшатиш мумкин бўлади. Ушбу иккала ҳужжатни иш берувчи ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда тасдиқлайди (МК 144, 174-м.).



Ташкилотда ИМТҚ мавжуд бўлмаса ёки уларни тасдиқлаш тартиби бузилган (масалан, улар ВО билан келишилмаган) бўлса, ёхуд ИМТҚда «меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатлари» рўйхати келтирилмаган тақдирда, ходимни МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра ишдан бўшатиш мумкин бўлмайди.

Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантирувчи тўловларни белгилайдиган локал ҳужжатлар ВО билан келишилган ҳолда қабул қилинади (МК 153-м.).

Меҳнат жамоаси кенгаши қандай тузилади

Ходимлар Меҳнат жамоаси кенгашини (МЖК) тузишга қарор қилган бўлсалар, меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ёки конференция ўтказилиши лозим. Умумий

йиғилишда ходимларнинг ярмидан кўпроғи, конференцияда эса делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади (МК 39-м.).

Умумий йиғилиш ва конференциянинг фарқи нимада

Кичик ташкилотларда, қоидага кўра, ходимларнинг умумий йиғилиши ўтказилади. Барча штатдаги ходимларни тўплаш ва умумий йиғилиш ўтказиш техник жиҳатдан мураккаб бўлган йирик корхоналарда конференция ўтказилади. Конференцияда ташкилотнинг тузилмавий бўлинмаларидан сайланган делегатлар иштирок этади.

Конференция ёки умумий йиғилиш кун тартибига куйидаги масалалар киритилади:

- 1) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференция) раиси ва котибини сайлаш;
- 2) МЖКни тузиш;

3) МЖК тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

4) МЖК аъзоларини сайлаш.

Ушбу масалалар юзасидан қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Умумий йиғилиш (конференция) раиси, котиби ҳамда МЖКнинг ҳар бир аъзоси учун алоҳида овоз берилиши лозим. Умумий йиғилишнинг МЖКни тузиш, унинг аъзоларини сайлаш ва у ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари умумий йиғилиш (конференция) баённомасига киритилади, ушбу баённома раис ва котиб томонидан имзоланади.

Меҳнат жамоаси кенгаши тўғрисидаги низомда нималар назарда тутилади

МЖК тўғрисидаги низомда мазкур вакиллик органининг ташкил этилиши ва фаолият юритиш тартиби, шунингдек унинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланади.

Унга куйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- > МЖКни шакллантириш тартиби, тузилмаси ва фаолият юритиш регламенти;
- > МЖКнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

> МЖК фаолиятини тугатиш, МЖК аъзолари ваколатларини бекор қилиш тартиби. МЖК таркибининг сони ва аъзоларининг ваколатлари муддати меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида белгиланади.

Қоидага кўра, МЖК таркибига раис, унинг ўринбосари, котиб ва бир неча аъзолар киритилади. Ташкилот раҳбари МЖК таркибига сайланмайди. Кўпинча Низомда ўриндошлар, вақтинча ишлайдиган ходимлар, стажёрлар МЖКга сайланмаслиги кўрсатилади.

МЖК тўғрисидаги низом ким томонидан имзоланади

Одатда Низомнинг биринчи варағида (юқори қисмидаги чап бурчагида) у меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференцияда) қабул қилинганлиги кўрсатилади. У ерда баённома рақами ва санаси ҳам қайд этилади.

Низом умумий йиғилиш (конференция) раиси ва котиби, шунингдек сайланган Меҳнат жамоаси кенгаши раиси томонидан имзоланади. Ушбу ҳужжат иш берувчи томонидан имзоланмайди.

МАСЛАХАТЛАР

Даъво билдириш ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида

Ўз фаолиятида яроқсиз маҳсулот чиқарилишига йўл қўйган ташкилотга қандай тўғри муурожаат қилиш кераклигини билмаймиз. Баъзида тўғри тузилган даъво муваффақиятнинг ярмига тенг бўлади.

Даъвода куйидаги бандлар акс этирилиши лозим:

- ташкилотнинг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) тўлиқ номи ва унинг юридик (ҳақиқий) манзили;
- истеъмолчининг Ф. И. О.си (тўлиқ) ва уй манзили;
- товарлар, хизматлар (ишлар) камчиликлари қисқача тавсифи;
- истеъмолчининг талаби (камчиликни илова қилиниши лозим. шартномасини бекор қилиш ва бошқалар).

Даъвога товар (хизматлар, ишлар) айнан ушбу ташкилотдан (якка тартибдаги тадбиркордан) харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилиниши лозим. Даъвонинг бир нусхаси сотувчига (тайёрловчи, ижроочи) берилди, иккинчи нусхасида сотувчи (тайёрловчи, ижроочи) олинган санани қайд этиш, ташкилотнинг муҳрини босиш ва даъвони қабул қилиб олган шахснинг Ф.И.О.сини ёзиш орқали истеъмолчининг даъвосини олганлиги ҳақидаги белгини қўяди. Даъволар истеъмолчилар ёки уларнинг

вакиллари томонидан белгиланган тартибда имзоланади.

Сотувчи (ижроочи, тайёрловчи) даъвони олгач, қандай йўл тутиши ҳақида (ёзма шаклда) истеъмолчини хабардор қилиши лозим.

Даъвони уни жўнатувчиси қайд этилишини, даъвони олувчи олганлиги ҳақида хабар берган ҳолда ёки имзо чектириб топширишни таъминлайдиган исталган усулда юбориш мумкин.

Инсон ҳаётининг турли соҳаларида тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган амалдаги кўпгина қоидаларда даъво билдириш тартиби келтирилган. Турли соҳаларда даъво билдириш тартиби, муддатлари ва уларни кўриб чиқиш тартиби фарқ қилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, низо-ларни судгача тартибда ҳал этиш истеъмолчининг бузилган ҳуқуқини тезда тиклаш имконини беради, бундай низо-ларни кўриб чиқиш бўйича судларнинг ишларини анча енгиллаштиради, суд ишлари сонини камайтиради.

1-МИСОЛ. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунда даъво билдириш тартиби ва муддатлари белгиланган. Хусусан, почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатларда фойдаланувчи почта алоқаси оператори ёки провайдерига даъво билдиришга, шу жумладан етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Почта ва курьерлик жўнатмалари топширилмаганлиги, ўз вақтида етказиб берилмаганлиги ёки йўқотилганлиги, шикаст етказилганлиги ёхуд ўтказилган пул маблағлари тўланмаганлиги юзасидан даъволар почта, курьерлик жўнатмалари ёки почта орқали пул маблағлари ўтказмалари берилган кундан бошлаб **6 ой** мобайнида билдирилиши мумкин.


Даъволар ёзма шаклда билдирилади ва белгиланган тартибда мажбурия рўйхатдан ўтказилади.

Даъволарга куйидаги муддатларда ёзма шаклдаги жавоблар берилиши лозим: бир аҳоли пункти доирасида жўнатилмайдиган (ўтказилмайдиган) почта, курьерлик жўнатмалари ва почта орқали пул маблағлари ўтказмалари бўйича – **5 кун ичида**; бошқа барча почта, курьерлик жўнатмалари ва почта пул маблағлари ўтказмалари бўйича – **1 ой мобайнида**.

2-МИСОЛ. Ўзбекистон Республикаси Тамир йўл уставининг 9-бобида мувофиқ темир йўлга нисбатан даъволар **6 ойлик муддат мобайнида**, жарималарни тўлашга оид даъволар **45 кун ичида** билдирилиши мумкин.

Кўрсатилган муддатлар куйидагилардан бошлаб ҳисобланади:

- а) юк ва багаж берилган кундан бошлаб – юк ёки багажга зарар етказилганлиги, шикаст келтирилганлиги ёки камомади бўйича;
 - б) етказиб бериш муддати тугаган кундан эътиборан 30 сутка ўтгач – йўқотилган юк қийматини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;
 - в) багажни етказиб бериш муддатини тугаганидан кейин 10 сутка ўтгач – йўқотилган багаж қийматини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;
 - г) юк ёки багаж берилган кундан бошлаб – юк ёки багажни етказиб беришда муддатни кечиктирилганлиги юзасидан даъволар бўйича;
 - д) жарима тўлаш учун белгиланган 5 кунлик муддат тугагач – ташишлар режасини бажармаганлик учун жарималарни ундириш ҳақидаги даъволар;
 - е) ариза берувчи темир йўлнинг жарима ҳисобланганлиги тўғрисидаги тўлов талабномасининг (счёти) нусхасини олган кундан бошлаб – вагонлар туриб қолганлиги ва контейнерлар тўхтатиб турилганлиги учун жарималарни ва бошқа акцепт тартибда ундирилган жарималар қайтариш тўғрисидаги даъволар бўйича;
 - ж) даъво билдириш учун асос бўлган ҳодиса содир бўлган кундан бошлаб – қолган барча ҳолатларда.
- Темир йўл маъмурияти билдирилган даъвони кўриб чиқиши ва арз қилувчини даъво қаноатлантирилиши ёки рад этилиши ҳақида даъво олинган кундан эътиборан куйидаги муддатларда хабардор қилиши лозим:
- а) **3 ой мобайнида** – темир йўлдаги ташишларда юзага келадиган даъволар бўйича;
 - б) **45 кун ичида** – жарималарни тўлашга оид даъволар бўйича.



БИЗГА ЁЗГАН ЭКАНСИЗ

Сотувчи мажбурияти

Истеъмолчи сотиб олинган товар сифатига дахлдор низоли ва-зиятлар юзага келганда қаерга муурожаат қилиши лозим?

- Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ истеъмолчи унга сотилган товар лозим даражадаги сифатга эга эмас деб ҳисоблаган ҳолатларда, у товар ёки касса чекини тақдим этган ҳолда бевосита сотувчига муурожаат қилишга ҳақли. Сотувчи истеъмолчининг куйидаги талабларини қаноатлантириши шарт:
 - айнан шундай маркадаги (модел, артикулдаги) товарга алмаштириш;
 - харид нархини тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда бошқа марка (модел, артикул)даги айнан шундай товарга алмаштириш;
 - харид нархи мутаносиб равишда камайтирилиши;

- товарнинг нуқсонлари дарҳол бепул бартараф этилиши;
 - товарнинг нуқсонларини бартараф этиш харажатлари қопланиши.
- Бунда харидор зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганлиги оқибатида ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир (*Қоидаларнинг 29-б., ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 1-илова*). Мазкур талаб суд тартибда қаноатлантирилади. Бироқ истеъмолчи ва сотувчи ўртасида ўзаро келишувга эришилган ҳолатда етказилган зарар суддан ташқари тартибда қопланиши мумкин.

Лола Абдуазимова.



Қизиқарли даврлар

«Яроқлилик муддати» ва «хизмат муддати» бир-бирига ўхшаш 2 та тушунчадир.

Яроқлилик муддати товарлардан соғлиқ учун зарар етмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган даврни белгилайди. Ушбу тоифага, қоидага кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, парфюмерия-косметика товарлари, машиий кимёвий товарлар ёки бошқа ўхшаш товарлар (ишлар) киритилади.

Хизмат муддати – товардан фойдаланишнинг муайян муддати, ушбу муддат тугагач техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим.

«Техник ҳолати» иборасига эътибор қаратинг. Хизмат муддати белгиланган товар исталган техника ёки бошқа техник ишлар ва хизматлар бўлиши мум-

кин (масалан, кир ювиш машинаси ёки квартирани таъмирлаш). Бунда тайёрловчи кафолатли хизмат муддати давомида товардан (ишлардан) фойдаланиш имкониятини таъминлаш шарт, хизмат муддати мобайнида муҳим камчиликлар аниқланган ҳолатларда тайёрловчи товар ёки бажарилган иш юзасидан таъминлаш ва техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиши шарт.

Кўпинча бу 2 тушунчани бир-бирига ўхшашлиги туфайли чалкаштириб юборилади, бироқ фақат битта жиҳати уларни ажратиб туради.

Хизмат муддатида муаммо «бузилиш ёки техник носозлик» бўлиши мумкин, яроқлилик муддати тушунчасида эса бундай ҳолат бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Қудратилла Одинаев иштирокида брифинг ташкил этилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти: Ўзбекистонда пахта теримига мажбурий жалб этиш ҳолати 4 фоиз

Брифингда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Учинчи томон мониторинги» лойиҳаси томонидан 2020 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича ўтказилган мониторинг натижалари ҳақида маълумот берилди.



Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон 2020 йилда ҳам пахта йиғим-терими давомида болалар меҳнатидан умуман фойдаланмаганлиги тўғрисидаги хулосаларида қатъий қолган. Мажбурий меҳнатнинг бутунлай бартараф этилишида сезиларли натижаларга эришилган. Фуқароларни мажбурий тарзда тизимли жалб этиш ҳолатлари кузатилмаган.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда пахта теримига мажбурий жалб этиш ҳолатлари 2019 йилга нисбатан 33 фоизга камайган ва 4 фоизни ташкил этган.

Терилган пахта учун тўлов миқдорларининг оширилиб, меҳнат ва дам олиш шароитлари сезиларли даражада яхшилانган. Шу билан бирга, бу борада ҳукумат ва жамоатчилик томонидан ҳам доимий назорат олиб борилган.

Жорий йил 27 январь куни «Коттон Компейн» халқаро коалицияси ўз расмий веб-сайтида «Ўзбек пахтачилигида ўзгараётган манзара» сарлавҳали мақола чоп этди.

«Коттон Компейн» халқаро коалицияси баёнотида кўра, 2020 йил пахта йиғим-терим мавсумидаги ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон ҳукуматининг мажбурий меҳнатга барҳам беришга йўналтирилган ислохотлари ҳамда амалга оширилаётган тадбирлари натижасидир.

Қайд этиш кераки, Давлат меҳнат инспекциясининг ишчи гуруҳлари томонидан республиканинг барча туманларидаги 3 минг 48 та ташкилот, фермер хўжалиқларида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар давомида Давлат меҳнат инспекцияси томонидан меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун 170 нафар мансабдор шахсга жами 653 миллион 167 минг сўм миқдорда маъмурий жарима тайинланди.

Жумладан, 2020 йилги пахта-йиғим терими даврида мажбурий меҳнатга йўл қўйганлиги учун 42 нафар мансабдор шахс, шу жумладан, ташкилот раҳбарлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига асосан жавобгарликка тортилди ва яна 6 та ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар судларга киритилди.

Бундан ташқари, 61 та ҳолатда меҳнат шартномаси тузилмаганлиги, 34 та ҳолатда меҳнат шароитлари яратилмаганлиги, 13 та ҳолатда меҳнат вазифасини бажармаганлиги, 17 та ҳолатда иш ҳақининг ўз вақтида тўламаслик фактлари аниқланиб, кластер ва фермер хўжалиги раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

ЎзА.

Асосий иш бўйича таътил ўриндошлик асосидаги таътилдан кўп бўлса...

«Ташқи ўриндошга қанча муддатли йиллик асосий таътил берилиши лозим? Унинг сўзларига биноан, асосий иш жойида унга 24 иш кунидан иборат таътил берилади. Бизда эса барча ходимлар учун таътил фақат 15 иш кунини ташкил этади. Ўриндошни таътиллار графигига киритиш зарурми?»

– Ўриндош – тўлиқ ставкани эгаллама-сада, «асосий» ходимлар каби компаниянинг ходимидир. Ва тегишинча, қолганлар билан тенг равишда у йиллик ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу ерда битта ўзига хос жиҳат мавжуд: қонун ўриндош учун таътил беришнинг умумий қоидаларидан истиснони назарда тутати. Айнан: ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий ва қўшимча таътиллари асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Бу ерда ўриндош учун яна битта истисно амал қилади: у ҳатто ишга қабул қилинган кундан эътиборан 6 ойдан кам ишлаган тақдирда ҳам ўриндошлик бўйича ишда таътил олишга ҳақли. Яъни агар ходим ўриндошлик асосида ярим йил ишлаб бермаган бўлса, таътил барибир берилади – «бўнак билан». Бироқ, бундай таътил учун ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади. Биринчи иш йилида 6 ой ишлаганларнинг таътилига, шунингдек ишнинг кейинги йиллари учун таътилга – ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда одатдаги тартибда ҳақ тўланади (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 16-б.)

Ташқи ўриндош асосий иш жойи бўйича унга тақдим этилган таътил вақтини тасдиқлаши шартми?

Меҳнат қончилигида бундай талаб мавжуд эмас. Бироқ шу билан бир вақтда иш берувчи ходим ҳақиқатан асосий иш жойи бўйича таътил олаётганлигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Бу ерда фақат ўриндошнинг чин сўзига таяниш маъқул эмас, сабаби иш берувчи у қачон «асосий» таътилдан фойдаланишини аниқ билиши муҳимдир. Бунинг учун тасдиқловчи ҳужжатларни сўраб олиш мақсадга мувофиқдир. Булар:

- таътилдан фойдаланишнинг аниқ вақти ва унинг муддати кўрсатилган асосий иш жойидан маълумотнома;
- таътиллари графигидан кўчирма;
- таътил бериш тўғрисида буйруқ нусخаси бўлиши мумкин.

Баъзан асосий иш жойи бўйича таътилни муддати ўриндошлик асосидаги иш жойидаги таътил муддатидан кўп бўлади. Бу ҳолда ўриндошнинг илтимосига биноан иш берувчи унга ҳақ тўланадиган таътилдан ташқари асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича ҳақ тўланадиган таътилларидаги тафовутни ташкил этадиган кунлар учун иш ҳақи

сақланмаган ҳолда бериладиган таътилни бериши шарт.

Масалан, ўриндошга тақдим этилган меҳнат таътили (15 иш кун) асосий иш жойи бўйича таътилдан (21 иш кун) қисқа. Ходимнинг ёзма равишдаги илтимосига биноан унга асосий иш жойи бўйича қолган таътил кунларига иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил берилади. Мазкур ҳолда – 6 иш кунига (21 – 15 = 6).

Ходим асосий иш жойи бўйича муддатдаги каби йиллик ҳақ тўланадиган таътилни талаб қилишга ҳақлими?

Йўқ, иш берувчи фақат асосий иш жойи бўйича таътил билан бир вақтда таътил бериши керак. Унинг муддати эса корхонанинг локал ҳужжатлари ёки меҳнат шартномалари шартларига мувофиқ белгиланади.

Ўриндош таътиллари графигига кўрсатиладими?

Ўриндош ҳар доим ҳам унга қачон асосий иш жойи бўйича таътил берилишини аниқ билмавермайди. Бунинг устига график йиллик ҳақ тўланадиган таътиллари бериш наватини белгилашга мўлжалланган. Ўриндош эса «наватдан ташқари» – асосий иш жойи бўйича таътил билан бир вақтда дам олади. Шу боис келаси йил учун таътиллари графигини тузишда ўриндош таътилининг режалаштирилаётган саналарини кўрсатмаслик мақсадга мувофиқдир. «Изоҳлар» устунда эса – ходим ўриндошлик асосида ишлаётганлиги ҳақида белги қўйган маъқул. Агарда асосий иш жойи бўйича таътил вақти маълум бўлса, ўриндошлик асосида иш бўйича таътиллари графигига у кўрсатилади.

Ленара Хикматова,
«Norma» М-Ж меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти.



Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 111,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр хўрсатиши – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.
Бутортма г 223. Адади 450. Газета 2021 йил 1 февраль соат 16.00 да топширилди.

2021 ЙИЛДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

2021 йил 1 январь ҳолати бўйича акс эттирилган бошлангич қийматдан ҳисобланган амортизация харажат деб тан олинади. 2021 йил 1 январда ва ушбу санадан кейин ўтказилган кейинги ихтиёрий қайта баҳолашлар солиқ солиш мақсадларида уларнинг бошлангич қийматини ўзгартирмайди.

Сотиб олинган пайтдан бошлаб 2020 йилга қадар (2020 йил ҳам кирради) амортизация бошлангич қийматдан ёки тикланиш қийматидан, агар қайта баҳолаш ўтказилган бўлса, ҳисобланган. 2021 йилдан бошлаб амортизация ҳисоблаш давом этади, бироқ – балансда 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича акс эттирилган бошлангич (тикланиш) қийматидан. Бу ҳолда амортизация бўйича харажат-

лар бухгалтерия ва солиқ ҳисобида тўғри келади.

Агарда корхона ихтиёрий (ташаббустга кўра) қайта баҳолашни ўтказса, унинг натижалари фойда солиғи солиш мақсадларида амортизация ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Бу амортизация бўйича харажатлар бухгалтерия ва солиқ ҳисобида фаркланишини аниқлатади.

Ноль тугатиш қийматида солиқ солиш мақсадлари учун чегараланганларга мувофиқ нормалардан фойдаланган ҳолда амортизацияни тенг маромда ҳисоблаш мисолида қайта баҳолаш амортизация бўйича харажатларни тан олишга қандай таъсир кўрсатишини кўриб чиқамиз (СК 306-м. 6-қ.).

МИСОЛ. Амортизация бўйича харажатлар капитализацияси
Ўз эҳтиёжлари учун бинони қуришда қурилиш техникасидан фойдаланилади. Унинг қиймати 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича 700 000 минг сўмни ташкил этади. Ҳисоб сиёсатида асосан корхона 2021 йил 1 январда ташаббусга кўра қайта баҳолашни ўтказди. Натижада қурилиш техникасининг қиймати 5%га ўсди ва 735 000 минг сўмни ташкил этди. Корхона амортизацияни тенг маромда ҳисоблаш усулини ва 15% нормани қўллайди.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоби мақсадлари учун ҳар ойлик амортизация бўйича ажратмалар қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қийматдан келиб чиқиб:

$735\,000 \times 15\% / 12 = 9\,200$ минг сўмни ташкил этади.

Ушбу сумма қурилатган бинонинг капитал қўйилмаларига тўлиқ кириштилади.



Реализация қилиш учун товарлар ишлаб чиқаришда фойда солиғи солиш мақсадларида уларнинг ишлаб чиқариш таннархини шакллантирувчи АВ амортизацияси 2021 йил 1 январдан кейин ўтказилган қайта баҳолаш натижаларини ўз ичига олмалиги керак.

Асосий воситаларнинг бошлангич қийматида киритилмаган капитал қўйилмаларни шакллантиришда бундай чекловлар мавжуд эмас. АВнинг бошлангич қийматида ўтказилмаган капитал қўйилмалар солиқ солиш мақсадларида 2021 йил 1 январдан кейин ўтказилган қайта баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда АВ амортизацияси харажатларини ўз ичига олиши мумкин.

МИСОЛ. Қайта баҳолашни ўтказишда амортизация бўйича харажатларни тан олиш

Корхона балансда тикланиш қиймати 2020 йил якуни ҳолати бўйича 100 000 минг сўм бўлган ускунага эга.

Ҳисоб сиёсатида асосан корхона 2021 йил январда ихтиёрий қайта баҳолашни ўтказди, унинг натижасида ускунанинг тикланиш қиймати 10%га ўсди ва 110 000 минг сўмни ташкил этди.

Корхона 15% норма бўйича амортизацияни тенг маромда ҳисоблаш усулини қўллайди.

2021 йилда амортизация бўйича ҳар ойлик харажатлар:

бухгалтерия ҳисобида қийматдан келиб чиқиб қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда $110\,000 \times 15\% / 12 = 1375$ минг сўм;

солиқ солиш мақсадларида фойда солиғи ҳисоб-китобида $100\,000 \times 15\% / 12 = 1250$ минг сўм.

125 минг сўм ($1375 - 1250$) миқдоридаги фарқ фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмаган харажат ҳисобланмайди.

Солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарларни реализация қилиш

2021 йилда ўзингиз ишлаб чиқарган товарларни реализация қилганда уларнинг ишлаб чиқариш таннархини амортизация бўйича харажатлар қисмида СКнинг 306-моддаси талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқаринг.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида ишлаб чиқариш таннархи солиқ ҳисоби мақсадлари учун ишлаб чиқариш таннархидан фарқ қилади, башарти корхонада 2021 йил 1 январдан кейин ташаббусга кўра қайта баҳолаш ўтказилган бўлса. Ишлаб чиқариш таннархида амортизация суммаларида юзага келадиган тафовут – бу фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажат.

Агар 2021 йил 1 январга қадар ва ундан кейин ўзингиз ишлаб чиқар-

ган товарлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилмаган бўлса, қуйидагилардан келиб чиқиб солиқ ҳисоби мақсадлари учун ишлаб чиқариш таннархига киритилмаган АВ амортизацияси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқаринг:

- балансда 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича акс эттирилган АВнинг бошлангич (тикланиш) қийматидан;
- 2021 йил 1 январдан кейин фойдаланишга топширилган АВнинг бошлангич қийматидан.

- 2021 йил 1 январдан кейин ташаббусга кўра АВни қайта баҳолаш натижалари солиқ солиш мақсадларида ишлаб чиқариш таннархини шакллантирадиган амортизацияни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Агар айланмадан солиқ тўловчи фойда солиғи тўловчисига айланса

Амортизация бўйича харажатлар айланмадан олинмаган солиқ бўйича солиқ базасига таъсир кўрсатмайди ва ушбу солиқни тўловчиларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳисоб сиёсатида белгиланган усулларга мувофиқ акс эттирилади.

Корхона фойда солиғини тўлашга ўтган ойдан бошлаб у шу солиқни тўловчилар учун назарда тутилган СК нормаларини қўллайди. Амортизацияга харажатлар солиқ солиш мақсадларида СКнинг 306-моддасида белгиланган АВнинг бошлангич қийматидан ҳисоблаб чиқарилади:

- 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича

балансда бўлган АВ учун – балансда 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича акс эттирилган бошлангич (тикланиш) қийматидан;

- 2021 йил 1 январдан кейин балансга қабул қилинган АВ учун – балансга қабул қилинган санадаги бошлангич қийматдан.

Ташаббусга кўра қайта баҳолашлар солиқ ҳисоби мақсадларида АВнинг бошлангич (тикланиш) қийматини ўзгартирмайди. Бунда бухгалтерия ҳисобида амортизация бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик ва корхонанинг ҳисоб сиёсатида мувофиқ тан олинади.

Узоқ муддатли активлар амортизацияси бўйича харажатларни ҳисоблашнинг нозик жиҳатлари ва муаммолари хусусида 9–12-саҳифаларда ўқинг.


Капитал қўйилмалар

Капитал қўйилмалар асосий воситаларнинг бошлангич қийматини ошириши мумкин. Бу – АВни қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш.

Агар уларнинг фаолият юритишининг меъёрий кўрсаткичларини (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати) яхшилаш, улар АВнинг бошлангич қийматида киритилади (5-сон БҲМСнинг 23-б.).



АВни қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа АВни барпо этишда иштирок этадиган АВ амортизацияси бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик нормаларига мувофиқ капитал қўйилмалар таркибига киритилади.





АГАР ТАЪСИСЧИ ЎЗГАРГАН БЎЛСА

? МЧЖ 3 таъсисчига эга: улардан иккитаси jisмоний шахс, учинчиси эса юридик шахс. Таъсисчилардан бири - jisмоний шахс жамиятдан чиқиб кетмоқчи. У ўз улушини бошқа jisмоний шахсга бегараз ўтказяпти, қолган таъсисчиларнинг эътирози йўқ. Бунда устав капитали камаймайди. МЧЖ учун ушбу ҳолатда солиқ оқибатлари юзага келадими?

– МЧЖнинг устав фондидаги улушни бегараз ўтказиш бўйича битим икки jisмоний шахс ўртасида содир бўлади: жамиятни тарк этувчи муассис ва унинг улушини текинга олган jisмоний шахс. Бунда ҳада шартномасини тузиш керак.

Ҳада олувчи улушни текинга олаётганда ЖШДС солинадиган даромад олади. У ҳада килувчининг яқин қариндоши бўлган ҳолат бундан мустасно (СК 377-м. 3-б., 378-м. 17-б.). У жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ

ни мустақил равишда тўлаши керак (СК 393-м. 1-қ.). Корхона бу ҳолда солиқ агенти ҳисобланмайди.

Корхонанинг муассислари ўзгармоқда, бунда унинг учун солиқ оқибатлари юзага келмайди. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қуйидаги ўтказмани амалга ошириш зарур:

- 8330-«Пай ва улушлар» счёти дебети – чиқиб кетаётган муассис;
- 8330-«Пай ва улушлар» счёти кредити – янги муассис.

ҚОПЛАШ НАЗАРДА ТУТИЛМАГАН

? Давлат корхонаси умумий овқатланиш учун мўлжалланган жойини хусусий тадбиркорга ижарага беради. Ижарага берувчи ижарачидан ижарага олинган кўчмас мулк бўйича ер солиғи суммасини қоплашни талаб қилиши мумкинми?

– Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ер солиғини ижарага берувчи тўлайди (СК 425-м., 2-қ.).

Қонунчиликда электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматларининг ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига қоплаб берилиши кўзда тутилган (Низом 48-51-б., 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМКга 2-илова.).

Ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига ресурс солиқларини, шу жумладан ер солиғини қоплаш назарда тутилмаган.

Ижарага берувчи ижара объекти билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда ижара харажатларини ҳисоблаб чиқиши керак. Бунда ер солиғи суммаси ҳам ҳисобга олинади.

ҚОИДАЛАР ҲАММА УЧУН БИР ХИЛ

? Нодавлат нотижорат ташкилоти хонани бепул ижарага олади ва тўғридан-тўғри хўжалик шартномалари бўйича коммунал хизматлар учун ҳақ тўлайди. Бинода ННТнинг ҳисоблагичлари-га уланган иккиламчи ижарачи мавжуд. Иккиламчи ижарачининг коммунал харажатларини қоплаши ННТ учун қандай солиқ оқибатларига олиб келади?

– Иккиламчи ижара – ижарачи ижарага берувчининг розилиги билан, ижарага берувчининг олдида ижара шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мулкни (ижара объектини) бошқа шахсга иккиламчи ижарага топширадиган шартнома муносабати. Иккиламчи ижара шартномасига нисбатан худди ижара шартномасидаги каби қоидалар қўлланилади (ФК 535-557-м.: «Ижара тўғрисида»ги Қонун; 6-сон БҲМС 11-б., АВ рақами 1946, 24.04.2009 йил).

Агар ижара шартномасига мувофиқ электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматларининг қиймати ижара ҳақи суммасига киритилмаган ҳолда ижарага олувчи томонидан истеъмол қилинган хизмат-

лар миқдоридан қопланиши лозим бўлса, бу қиймат ижарага берувчи томонидан ижарага олувчи номига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада алоҳида қаторда кўрсатиб ўтилади. Бунда ижарага олувчи томонидан қопланиши лозим бўлган коммунал хизматлар учун ижарага берувчи томонидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди. Ижарага олувчидан коммунал хизматлар учун олинган қоплаш суммаси ижарага берувчининг даромади ҳисобланмайди (Низом 49, 50-б., 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМКга 2-илова.)

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.



ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ АЛМАШТИРИШДА ҚҚС

? Корхона сотиши учун эҳтиёт қисмларни ҚҚС билан олди, ҚҚС ҳисобга киритилди. Айни пайтда эҳтиёт қисмлар кафолатли таъмирлаш бўйича ўрнатилмоқда, уларнинг қиймати «UzAuto Motors» АЖ томонидан компенсацияланади. Уларга ҚҚС билан қопланадиган харажатларга ҳисобварақ-фактура тақдим этамиз. Ушбу сумма айланмамизга киритилмайди, тегишинча унга ҚҚС солинмайди ва биз аввал ҳисобга қабул қилинган ҚҚСга тузатиши киритишимиз лозим. Ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиши киритилиши қандай провводкалар билан акс эттирилади?

– «UzAuto Motors» АЖ автомобилларни сотишда 3 йил муддатга кафолат беради. Корхонангиз «UzAuto Motors» АЖ дистрибьютори сифатида миқозларга кафолат бўйича эҳтиёт қисмларни алмаштириб беради, кейин эса «UzAuto Motors» АЖдан тўлов ундирилади. Бунда эҳтиёт қисмларни реализация қилиш бўйича ҚҚС солинадиган айланма амалга оширилади (СК 238-м. 1-қ. 1-б., 239-м. 1-қ. 1-б.).

«UzAuto Motors» АЖга ҳисобварақ-фактурани ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда тақдим этасиз. Олинган эҳтиёт қисмлар ҚҚС солинадиган айланмалар учун фойдаланилганлиги босис аввал ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиши киритилмайди.

Автомобиль харидорлари учун эҳтиёт қисмлар кафолатли алмаштирилганда бухгалтерия провводкалари қуйидагича бўлади:

РЕКЛАМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90, E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Эҳтиёт қисмларни кафолатли алмаштирилди	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» («UzAuto Motors» АЖ)	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Эҳтиёт қисмлар кафолати бўйича белгиланган таннарх ҳисобдан чиқарилди	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги 841-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган ЎРҚ-573-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 672-модда) 9-моддасининг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудда реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномалари доирасида жалб этиладиган чет эл инвестициялари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудда реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида йўл қўйилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги ЎРҚ-537-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) 1-модда:

биринчи қисми «давлат-хусусий шериклик» деган сўзлардан кейин «шу жумладан концессиялар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:
«Концессия лойиҳаларини рўёбга чиқариш, шунингдек концессия шартномаларини тузиш ушбу Қонунда давлат-

хусусий шериклик лойиҳалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади»;

2) 3-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазибаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси – давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун танловни асослаб берадиган, лойиҳанинг қийматини, лойиҳани молиялаштириш манбаини ҳамда рентабеллигини белгиладиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини ўз ичига олган ҳужжат;

давлат-хусусий шериклик объекти – лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, эксплуатация қилиниши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

*Ушбу Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.01.2021 йилдан кучга кирди.

давлат-хусусий шериклик объектдан эркин фойдаланиши учун тўлов – давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объектдан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объекта хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

давлат шериги – Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари;

концессия – давлат-хусусий шериклиkning шакллари-дан бири бўлиб, бунда давлат хусусий шерикка концессия шартномасида назарда тутилган хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун рухсатнома берган ҳолда мол-мулкни ва ер участкаларини тақдим этади;

махсус лойиҳалаштириш компанияси – тендер ғолиби, захирадаги ғолиб, хусусий ташаббускор ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси томонидан фақат давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган юридик шахс;

талабгор – давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ва тендерда иштирок этишдан манфаатдор бўлган, Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси;

фойдаланганлик учун тўлов – товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинadиган тўловлар;

хусусий шерик – Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси;

3) 11-модда:

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат шеригини тайинлашда ноаниқлик юзага келган ҳолларда, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли органнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг баённомасига биноан давлат шеригини белгилайди»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси-дан ундириладиган бир марталик тўлов миқдорини белгилайди»;

4) 12-модданинг иккинчи қисми:

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тендер ҳужжатларини ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг лойиҳаларини келиши олади»;

қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари, халқаро ва маҳаллий консалтинг ҳамда лойиҳалаштириш ташкилотлари билан консалтинг ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида музокаралар олиб боради, шунингдек белгиланган тартибда шартномалар тузади»;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси-дан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов ундириш тўғрисида шартнома тузади»;

5) қуйидаги мазмундаги 12¹-модда билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузилиши мумкин бўлган ўз тасарруфидаги объектларни аниқлайди;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилиши мўлжалланаётган истиқболли лойиҳаларни, ер участкаларини тегишли ҳудуднинг эҳтиёжларини ҳамда салоҳиятини инобатга олган ҳолда ўрганади ва белгилайди;

тегишли ҳудуддаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлайди, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида ер участкаларини аукцион ўтказмасдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатга ажратади»;

6) 13-модданинг:

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча иккинчи ва учинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «Давлат шериги томонидан ваколат берилган давлат корхоналари ва (ёки) ташкилотлар» деган сўзлар «Давлат шериги томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг бирлашмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 14-модда:

биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси «хусусий шерик айби билан» деган сўзлардан кейин «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси «давлат шеригининг айби билан» деган сўзлардан кейин «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзига берилган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишга ҳақли эмас, бундан ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

8) 17-модда:

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хусусий ташаббускор ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ дастлабки малакаладан ўтган тақдирда, давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини олган потенциал давлат шериги унинг амалга оширилишини маълумлаш ёки рад этиш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади»;

бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«хусусий ташаббускорнинг ушбу Қонунда белгиланган талабларга жавоб бермаслиги»;

олтинчи қисмидаги «манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини» деган сўзлар «манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини, шунингдек ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ дастлабки малака ҳужжатлари тўпламини тақдим этишга доир сўровни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида потенциал давлат шеригига бирор-бир яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини хусусий ташаббускор билан амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади ва хусусий ташаббускор билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга киришади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишиб олади ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишиб олинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида хусусий ташаббускор ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан тендер ўтказмаган ҳолда давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади»;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Бунда давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг қийматидан қатъи назар, бир босқичли тендер ўтказилади

ва тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларига ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органига расмий веб-сайтларига тақдоран жойлаштирилмасдан, ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган тендерга оид мезонларга жавоб берадиган талабгорларга давлат шериги томонидан тендер ҳужжатлари тўпламига ўттиз кун ичида тақдим этилади. Талабгорлар томонидан талабномаларни бериш учун сўнгги муддат тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва бу муддат талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш кундан кам бўлмаслиги керак. Тендер комиссияси тендер ғолибини ва тендернинг захирадаги ғолибини уларнинг тендер таклифларини баҳолаш орқали аниқлайди.

Манфаатдор бўлган талабгорлардан ҳеч бири дастлабки малака ҳужжатлари тўпламини тақдим этиш тўғрисидаги сўров бўйича малака ҳужжатларини белгиланган муддатда тақдим этмаган тақдирда (хусусий ташаббускордан ташқари), тендер тақдоран ўтказилиши мумкин эмас ва потенциал давлат шериги хусусий ташаббускор билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга киришади»;

тўққизинчи қисми ўн биринчи қисм деб ҳисоблансин;

ўн биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хусусий ташаббускор тендер ғолиби бўлмаган тақдирда, хусусий ташаббускорга давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрни давлат-хусусий шериклик лойиҳаси умумий қийматининг бир фоизидан ошмайдиган миқдорда тендер ғолибининг ёки захирадаги ғолиби маблағлари ҳисобидан қопланади»;

9) 18-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тегишли давлат органи (ташқилоти) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тегишли давлат органи (ташқилоти) томонидан ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланганидан кейин давлат шериги давлат-хусусий

шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг кейинги босқичларига ўтади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясига хусусий ташаббускорнинг, тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисининг, давлат шеригининг, ваколатли давлат органининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан белгиланган тартибда ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин»;

10) 20-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«20-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги куйидаги маълумотлар давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади, бундан давлат сири билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно:

лоийҳа тарафларининг номи;

лоийҳанинг фаолият йўналиши;

лоийҳанинг жойлашган ери;

лоийҳани амалга ошириш муддати;

истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) тарифлари (мавжуд бўлган тақдирда);

лоийҳанинг умумий қиймати;

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми ва турлари (мавжуд бўлган тақдирда);

11) 21-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқланадиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Тендерлар бир босқичли ёки икки босқичли бўлиши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарор ва шартлар асосида ишлаб чиқилган батафсил техникавий ҳамда тижоратга оид (молиявий) таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили куйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан тендер таклифларини олиш;

тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорларга дастлабки малака ҳужжатларини ва тендер ҳужжатлари тўпламини бериш учун сўров тақдим этиш;

талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг қолибини ва захирадаги қолибини аниқлаш;

тендер қолиби ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан музокаралар ўтказиш;

тендер қолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер таклифларини бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Икки босқичли тендер дастлабки малакалалаш ва тендер қолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендер куйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда талабгорларнинг малака ҳужжатлари кўриб чиқилади ва уларнинг тендер ҳужжатларида кўрсатилган малака мезонларига мослиги баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади;

иккинчи босқичда киритилган техникавий ва тижоратга оид (молиявий) таклифлар тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили куйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва дастлабки малака ҳужжатларини беришга доир сўровни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш ва баҳолаш;

дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш;

дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорларга давлат шериги томонидан тендер ҳужжатлари тўпламини юбориш;

дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорлар томонидан тендер таклифларини тақдим этиш;

дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг қолибини ва захирадаги қолибини аниқлаш;

тендер қолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер қолиби ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Дастлабки малакалалашда иштирок этиш учун буюртмалар йиғиш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки малакалалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Тендер қолибини танлаб олиш босқичида давлат шериги дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровни ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини юбориш.

Тендер таклифларини бериш учун охириги муддат тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас. Талабгор тендер комиссиясига тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунига қадар исталган вақтда тендер таклифини ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат ичида ўтказилади. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан тендер ҳужжатларида белгиланган тендер мезонлари бўйича амалга оширилади.

Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилигини тасдиқлаш учун талабгорларни чақириш ҳуқуқига эга. Тендер якунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари ҳозир бўлиши мумкин.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер талабларига номувофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер ўтказишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер таклифларининг сўрови талабларига мувофиқ эмас деб топган тақдирда, шунингдек, агар дастлабки малакалалашдан ўтган талабгорларнинг сони икки нафардан кам бўлса, тендер бўлиб ўтмаган деб топилади ва тендер комиссияси такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Малака буюртмаларини ва тендер таклифларини қабул қилиш тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ҳамда ҳолларда электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

12) 22-модда:

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатларини, шунингдек давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлайди.

Куйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тендер ҳужжатлари ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

учинчи қисмининг:

тўртинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«техник-иқтисодий кўрсаткичлар самарадорлигининг умумий параметрлари ва талаблари»;

ўн биринчи-ўн тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«тендер таклифи бериладиган тилга доир талаблар; тендер таклифининг мазмуни, тендер таклифларини бериш ва уларнинг амал қилиш усули, жойи, муддатлари; тендер таклифига доир таъминот киритиш шартлари; тендер таклифлари солинган конвертларни очиш тартиб-таомилилари, жойи, санаси ва вақти»; бешинчи қисмининг учинчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда тендер таклифларидаги ушбу ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар талабгорлар томонидан ҳисобга олиниши учун давлат шериги тендер таклифларини тақдим этишнинг охириги муддатини ўн беш календарь кундан кам бўлмаган муддатга узайтиради»;

13) 23-модда:

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тендер мезонлари аниқ бўлиши ва барча талабгорларга нисбатан камситишсиз қўлланилиши керак»; тўртинчи қисмининг еттинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш муддати»;

14) 25-модданинг тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган ҳолларда»;

15) 26-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади»

Давлат шериги тендер қолиби, тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан ушбу Қонуннинг 17, 21 ва 25-моддаларига мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Агар тендер қолиби тендер ҳужжатларида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзоламаса ёки тендер комиссияси томонидан тендер қолиби тақдим этган ахборотнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссияси уни дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва тендернинг захирадаги қолибини қолиб деб топади ҳамда унга тендер қолибини дисквалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичида қолиб шартлари асосида давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузишни таклиф этади.

Захирадаги қолиб тендер комиссиясининг қарорига мувофиқ тендер қолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор ҳисобланади.

Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги қолибига давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь кун ичида ундан ижобий жавоб олинмаган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер эълон қилади;

16) 27-модда:

иккинчи қисмининг:

оптинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат-хусусий шериклик объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичларга оид умумий параметрлари ва самарадорлик бўйича талаблар, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ ўтказилган ёки лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, фойдаланилиши ва (ёки) хизмат кўрсатилиши лозим бўлган бошқа давлат-хусусий шериклик объектларининг тавсифи, улардан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари тўғрисидаги»;

ўн учинчи хатбошисидаги «даромадларнинг тақсимланиши» деган сўзлар «даромадларнинг (фойданинг) тақсимланиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга белгиланган тартибда қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин»;

17) 29-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«29-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш»

Агар қонунчиликда ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суднинг қарорига биноан ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки у бекор қилиниши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда давлат шериги ва хусусий шерик томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра амалга оширилади»;

18) 30-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим давлат шеригининг давлат-хусусий шериклик объектини ташкил этувчи мол-мулкни ва (ёки) давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкни хусусий шерикка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш учун бериш мажбуриятини назарда тутиши мумкин. Бунда мол-мулкнинг берилишини таъминлаш ёки ташкил этиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида амалга оширилади ҳамда қўшимча шартномалар ёки битимлар тузиш талаб қилинмайди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг мулк ҳуқуқига эга бўлган тарафлари бундай ҳуқуқларни, шу жумладан ер участкаларининг, бошқа кўчмас, шунингдек кўчар мол-мулкнинг ва номоддий активларнинг ижарасига бўлган ҳуқуқни, уларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган доирада, бошқа мулклий ҳуқуқлар билан бир қаторда бир-бирига бериши мумкин»;

19) 31-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат-хусусий шериклик объекти жойлашган ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган, давлат шериги ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тасарруфидда бўлган ер участкалари ёки уларнинг

солиқ имтиёзлари ва преференциялари, шунингдек бошқа имтиёзлар;

бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар.

Қўшимча кафолатлар бериш ва (ёки) қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси билан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида битим тузиш орқали ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси ва хусусий шерик ўртасида тузиладиган, хусусий шерик ва (ёки) кредиторларга қўшимча кафолатлар ҳамда қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилишини назарда тутадиган ёзма битимдир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан имзоланади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарориди ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарориди бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу битимни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига бевосита ёки билвосита таъсир этадиган қўшимча кафолатларнинг ва (ёки) қўллаб-қувватлашнинг ҳар қандай турлари давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқлангунига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олиниши керак.

Солиқ имтиёзлари ва преференциялари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексиди назарда тутилган тартибда белгиланади.

Алоҳида ҳолларда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида жалб этиладиган чет эл инвестициялари иштирокида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда ва (ёки) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган мақсадларда хоризда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли;

25) 39-модданинг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда тўловларни амалга ошириш шартлари, шу жумладан меҳнатга

ҳақ тўлаш, эркин фойдаланиш учун тўлов, фойдаланганлик учун тўлов, хусусий шерикнинг давлат шеригига тўлови ва (ёки) бошқа тўловлар, хусусан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан даромадларни (фойдани) тақсимлаш шартлари назарда тутилиши мумкин».

3-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Концессиялар тўғрисида»ги 110-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 185-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Концессиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 111-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 186-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) 11-моддаси;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) 23-моддаси.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли орасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2021 йил 22 январь
ЎРҚ-669-сон.

бир қисми ўз тегишлилигига мувофиқ давлат шериги ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддатга берилади.

Ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун аукцион ўтказмасдан берилади;

20) 32-модданинг:

Биринчи қисмидаги «қонунга» деган сўз «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми «тақдирда» деган сўздан кейин «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) 34-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари ошишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик, амалга оширилаётган лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик объектдан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатларни қўллашга доир тартиб, шартлар, чекловлар ва истиснолар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилганидан кейин солиқлар ва йиғимлар ўзгартирилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда қўлланилмайди, бундан муайян бир давлат-хусусий шериклик лойиҳасига (лоийҳаларига) нисбатан камситувчи ўзгаришлар мустасно;

22) 35-модда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Кредиторлар иштирокидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида кредиторлар давлат шериги ёки хусусий шерик билан тўғридан-тўғри битимлар тузиши мумкин бўлиб, уларда қуйидагилар инobatга олинishi керак:

хусусий шерик (хусусий шерик раҳбариятининг) алмаштирилиши ёки четлаштирилиши муносабати билан кредиторларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

хусусий шерик алмаштирилган ёки четлаштирилган ҳолларда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга

мувофиқ давлат шериги томонидан хусусий шерикка тўланиши лозим бўлган тўловларни кредиторларга тўлаш мажбурияти;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бекор қилиш хавфини камайтиришга доир шартлар;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддати-дан олдин тугатилганда тўланадиган тўловлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши ҳақидаги, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъминланиши тўғрисидаги ахборотни алмашиш тартиби»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хусусий шерик ўз кредиторларига таъминотнинг ҳар қандай турини ёки шаклини тақдим этиши, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва ушбу битимни бажариш учун тузилган битимлар бўйича ўз ҳуқуқларини, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси таркибига кирувчи ҳуқуқларни, активларни, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқларини, акциялар гаровини, ҳуқуқлар гаровини ёки ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечишни, мазкур битим бўйича ўзига тегишли бўлган фойдани ва суммаларни бериши мумкин»;

23) 9-бобнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9-Боб. Давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш механизмлари»;

24) 38-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«38-модда. Давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш турлари

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикнинг ва (ёки) кредиторнинг (кредиторларнинг) манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги турларини тақдим этиши мумкин:

субсидиялар, шу жумладан хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджетлар маблағлари;

бюджет ссудаларини, қарзларини, грантларини, кредит линияларини ва молиялаштиришнинг бошқа турларини бериш;

инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишувга кўра қўшимча кафолатлар;



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛанаДИ

Амортизация учун харажатлар таркиби

Амортизация – узоқ муддатли активлар қийматининг аста-секин харажатларга ўтказилиши фойда солиғи базасини қисқартириш имконини беради. Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий воситалар (АВ) ва номоддий активлар (НМА) амортизацияси учун харажатлар – ишлаб чиқариш танарҳининг таркибий қисмларидан бири, у Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-илованинг 020-сатрида акс эттирилади.

Амортизация учун харажатларни Ҳисоб-китобга 2-илованинг 0106-сатрида ҳам акс эттиринг.

Амортизация учун харажатлар таркибига қуйдагиларни киритинг:

- ишлаб чиқаришга оид, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) бўйича олинган асосий воситалар амортизация ажратмалари суммалари
- ишлаб чиқариш учун мўлжалланган номоддий активлар амортизация ажратмалари суммалари

Амортизация қандай ҳисобланади

Амортизация ҳисоблаш қоидалари 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва 7-сон БҲМС «Номоддий активлар»-да (АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1485-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган. Ушбу қоидалар молиявий ижара (лизинг) бўйича олинган активларга ҳам татбиқ этилади.

Актив фойдаланишга жорий этилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амортизация ҳисобланг. Амортизация қилинаётган қий-мат тўлиқ сўндирилгунга ёки баланسدан ҳисобдан чиқарилгунга қадар шундай қилишда давом этинг.

МИСОЛ. Амортизация ҳисоблаш даврини аниқлаш

Узоқ муддатли актив 2020 йил 25 июнда фойдаланишга жорий этилган. Ундан фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 5 йил. Амортизация ҳисоблаш 2020 йил июндан бошланиб, 2025 йил июнда тугайди. 2025 йил июндан ушбу объект бўйича амортизация ҳисобланмайди.

Активдан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқ-лаётганда қуйдагиларни инобатга олинг:

- унинг техник тавсифлари (асосий воситалар учун), техник паспорт маълумотлари бўйича унумдорлиги ва ресурси;
- ишлаб чиқаришнинг ўзгартрилиши ва яхшиланиши натижасида ёки мазкур актив ишлаб чиқарадиган маҳсулотга (ишларга, хизматларга) бозор талабларининг ўзгариши нати-жасида маънавий эскириши;
- фойдаланиш учун юридик чекловлар. Масалан, патент, гувоҳноманинг амал қилиш муддати (номоддий активлар учун).

Асосий воситалардан фойдали тарзда фойдаланиш муд-датини аниқлаш мушкул бўлса, солиқ солиш мақсадида СК 306-моддасида келтирилган амортизация нормаларини асос

қилиб олишнинг мумкин. Масалан, сотиб олинган компьютер учун амортизация нормасини 20% этиб белгиланг (СК 306-м. 9-қ. IV гуруҳ 1-кичик гуруҳи).

Фойдали хизмат муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари норма-ларини 5 йил ҳисобида, бироқ корхона фаолият юритадиган мuddатдан ортқ бўлмаган мuddатга белгиланг (7-сон БҲМС 45-б.).

Бухгалтерия ҳисобида ҳисобланган амортизацияни қуйдаги счётларда акс эттиринг:

- 0200 – асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар;
- 0500 – номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар.

МИСОЛ. Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган активлар бўйича амортизация ҳисоблаш

Босмаҳонада китоб чиқариш учун босма машина ва босма жараёнини назорат қиладиган ДТдан фойдаланилади. Бундан ташқари, босмаҳона лизинг бўйича олинган қўғоз кесиш машинасидан фойдаланади.

Бир ойдаги амортизация суммаси қуйидаги миқдорни ташкил этади:

- босма машина бўйича – 3 000 минг сўм;
- дастурий таъминот бўйича – 500 минг сўм;
- кесиш машинаси бўйича – 1 000 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Босма машина бўйича амортизация ҳисобланган	3 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»
Дастурий таъминот бўйича амортизация ҳисобланган	500	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0530-«Дастурий таъминотнинг амортизацияси»
Қўғоз кесиш машинаси бўйича амортизация ҳисобланган	1 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0299-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Барча активлардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиши сабабли амортизацияни 2010-счётининг дебети бўйича акс эттиринг ва китобларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритинг.

Қуйидагилар бўйича амортизация ҳисобланган:

• ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

- маҳсулдор чорва моллари;
- ахборот-кутубхона фонди;
- консервация қилинган асосий воситалар;
- музей ашёлари;
- моддий маданий мерос объектлари;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлқалар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

• тўлиқ амортизация қилинган активлар (5-сон БҲМС 35-б.).

Солиқ солиш мақсадида амортизация қилинмайдиган активлар рўйхатига қуйидагилар ҳам киритилган:

- асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар;

• нотижорат ташкилотларнинг солиқ солинмайдиган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк;

Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек халқаро шартномаларга мувофиқ текинга олинган мол-мулк;

• грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва мақсадли тушумлар маблағлари ҳисобидан олинган (барпо этилган) мол-мулк;

• телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари;

• инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилмайдиган мол-мулк;

• концессия битими бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган мол-мулк;

• солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган (барпо этилган) мол-мулк (СК 306-м. 2-қ.).



Маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархига фақат ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий воситалар амортизациясини қўйинг. Ишлаб чиқариш жараёнида тааллуқли бўлмаган харажатларни киритиш ҳисобига ишлаб чиқариш таннархининг оширилиши фойда солиғи суммасини бузиб кўрсатиши мумкин. Бу ҳисобот даври учун фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қуйидагиларнинг таркибига киритилган амортизация учун харажатлар чегириб ташланиши билан боғлиқ:

- таннарх – реализация қилинган товарга тўғри келадиган улушда;
- давр харажатлари – тўлиқ.

МИСОЛ. Таннархнинг солиқ базасига таъсири

Ҳисобот даврида:

- маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромад – 120 000 минг сўм;
- ишлаб чиқарилган – 100 та маҳсулот бирлиги;
- реализация қилинган – 70 та маҳсулот бирлиги.

1-вариант: ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 70 000 минг сўмни ташкил этади; маъмурий мақсадга мўлжалланган асосий воситалар амортизацияси давр харажатларига киритилган – 10 000 минг сўм.

2-вариант: маъмурий мақсадга мўлжалланган асосий воситалар амортизацияси – 10 000 минг сўм – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилган: 70 000 + 10 000 = 80 000 минг сўм.



Кўрсаткич	Тўғри	Нотўғри
Реализация қилишдан олинган даромад	120 000	120 000
Реализация қилинган маҳсулот таннархи	70 000 / 100 x 70 = 49 000	80 000 / 100 x 70 = 56 000
Давр харажатлари	10 000	—
Солиқ солинадиган фойда	61 000	64 000

Маъмурий мақсадга мўлжалланган асосий воситалар амортизацияси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (100 та бирлик) ишлаб чиқариш таннархига нотўғри киритилганлиги сабабли фарқ юзага келган, у реализация қилинган маҳсулотга (70 та бирлик) тўғри қоладиган улушда чегирлади. Маъмурий мақсадга мўлжалланган асосий воситалар амортизацияси ҳисобот даврида тўлиқ чегириб ташланадиган давр харажатларига киритилиши тўғри бўлади.

Амортизация ҳисоблаш усуллари

Амортизация ҳисоблаётганда қуйидаги усуллари қўллашнинг мумкин:

- амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;
- бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш);
- икки қарра амортизация нормаси билан қолдиқни камай-тириш;
- йиллар суммаси (кумулятив).

Амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулидан қандай фойдаланилади

Ишлаб чиқариш жараёни барқарор бўлиб, кафолатли даромад олишга ишонсангиз, ушбу усулдан фойдаланинг.

Амортизацияни тенг маромда, активларни фойдали ишлатиш мuddати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда тенг улушларда ҳисобланг.

Амортизацияланадиган қийматни активнинг баланс ва тугатиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланг.

Активнинг тугатиш қиймати – чиқиб кетиш бўйича қутилаётган харажатларни чегирган ҳолда қутилаётган фойдали хизмат мuddати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олиннадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси (5-сон БҲМС 3-б., 7-сон БҲМС 4-б.).

МИСОЛ. Амортизацияни тенг маромли усулда ҳисоблаш

Узоқ мuddатли активнинг қиймати – 60 000 минг сўм. Фойдали тарзда фойдаланиш мuddати – 5 йил. Ҳисоб сибсатида активларнинг ушбу гуруҳи бўйича амортизация тенг маромли ҳисоблаш усули билан ҳисобланиши белгиланган. Бинобарин, ушбу актив бўйича ҳар ойда қуйидаги суммада амортизация ҳисобланади: $60\ 000\ \text{минг} / 5 / 12 = 1\ 000\ \text{минг сўм}$. Йиллик амортизация нормаси: $100\% / 5\ \text{йил} = 20\%$. Ҳар ой 20% дан $1/12$ қисми ҳисобланади.

Амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан қандай фойдаланилади

Қуйидаги ҳолларда ушбу усулдан фойдаланинг:

- ишлаб чиқариш жараёни барқарор тусда бўлмаса;
 - мавсумий тусга эга бўлса;
 - узоқ мuddатли активлардан мунтазам равишда фойдаланилмаса;
 - реализация қилишдан барқарор даромад олинмаса.
- Ушбу усул бўйича ишлаб чиқариш активи амортизациясини у ишлаб чиқарган маҳсулотдан келиб чиқиб ҳисобланг. У қанча кўп ишласа, амортизация суммаси шунча кўп бўлади. Актив ишламай турганда амортизация ҳисобланмайди.

Ҳар бир ишлаб чиқариш активи учун бутун фойдали тарзда фойдаланиш мuddатида ишлаб чиқарган маҳсулотнинг

қўллайдиган амортизацияни ҳисоблаш усулини албатта корхонанинг ҳисоб сибсатида акс эттиринг, сабаби ҳар хил усуллардан фойдаланиш турлича молиявий натижа беради.

Узоқ мuddатли активларнинг ҳар хил турлари ёки гуруҳларига турли амортизация ҳисоблаш усулларини қўллашнинг мумкин. Бунда бир турдаги активлар бўйича фақат битта усулни қўлланинг (5-сон БҲМС 42-б., 7-сон БҲМС 51-б.).

Ушбу усуллари батафсил қўриб чиқамиз.

Асосий воситалар учун – активдан фойдали тарзда фойдаланиш мuddати тугаганда унинг тугатилиши натижасида кирим қилиниши мумкин бўлган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва бошқа материалларнинг эҳтимолий қиймати. Чиқиб кетиш бўйича харажатлар – демонтаж қилиш ва тугатиш учун харажатлар.

Тугатиш қиймати арзимас бўлса, уни ҳисобга олмаган, амортизацияни эса тўлиқ эскиргунга қадар баланс қийматидан ҳисобланг.

Номоддий активдан фойдали тарзда фойдаланиш мuddати тугаганда уни сотиш эҳтимоли кам бўлса, унинг тугатиш қийматини ҳам нолга тенглаштиринг.

Кейинги мисолларда активнинг тугатиш қиймати шартда қайд этилмаган бўлса, уни нолга тенг деб оламиз.

эҳтимолий ҳажмини баҳоланг. Ушбу ҳажм қуйидаги миқдорда ифодаланган бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқарган маҳсулот бирикляри;
 - ишланган соатлар;
 - босиб ўтилган тонна-километр ва ҳ.к.
- Ҳисобот давридаги амортизация суммасини ($A_{\text{хд}}$) қуйидаги формула бўйича аниқланг:

$$A_{\text{хд}} = A\text{Қ} / M \times M\text{хд},$$

бунда:

- AҚ** – амортизация қилинадиган (баланс) қиймат;
- M** – бутун фойдали тарзда фойдаланиш мuddатида ишлаб чиқарилган маҳсулот;
- M_{хд}** – ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот.

МИСОЛ. Амортизацияни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш

Узоқ муддатли активнинг қиймати – 60 000 минг сўм. Фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 5 йил. Ушбу даврда актив ишлаб чиқариши тахмин қилинаётган ҳажм – 30 000 мингта маҳсулот бирлиги. Ишлаб чиқарилган:

- январь ойида – 600 мингта маҳсулот бирлиги;
- февраль ойида – 400 мингта маҳсулот бирлиги;
- март ойида маҳсулот ишлаб чиқарилмаган, сабаби актив таямирланган.

Амортизацияни аниқлаймиз:

- январь: $60\,000 \text{ минг сўм} / 30\,000 \text{ минг} \times 600 \text{ минг} = 1\,200 \text{ минг сўм}$;
- февраль: $60\,000 \text{ минг сўм} / 30\,000 \text{ минг} \times 400 \text{ минг} = 800 \text{ минг сўм}$.

Март ойида маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли амортизация ҳисобланмайди.

Қолдиқни камайтириш усулидан қандай фойдаланилади

Бу жадаллаштирилган амортизация усули бўлиб, унда икки қарра нормадан фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли бўлиши энг замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар ва бошқаларни қўллашга боғлиқ бўлса, айнан уни қўлланг. Бу ҳолда активлар жуда тез маънан эскиради. Асбоб-ускуналарни ўз вақтида янгилаш учун уларнинг қийматини имкон қадар тезроқ ҳисобдан чиқариш лозим.

Икки қарра амортизация нормасини активнинг қолдиқ қийматига нисбатан қўлланг. Қолдиқ қиймат эскириш ҳисобланишига қараб камайиши боис амортизация суммаси ҳам камайиб боради. Яъни актив энг маҳсулдор ва фойдаланишида самарали бўлган фойдали тарзда фойдаланиш муддатининг аввалида амортизация максимал даражада бўлади.

Тўғри чизикли усул бўйича амортизация нормасини активнинг амортизация қилинадиган (баланс) қиймати ва ундан фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб аниқланг. Бир йиллик амортизация суммасини ҳисобот йили бошидаги активнинг қолдиқ қийматидан келиб чиқиб ҳисобланг (5-сон БҲМС 38-б., 7-сон БҲМС 48-б.).

Ушбу усулдан фойдаланётганда тугатиш қийматини аниқланг, сабаби қолдиқ қийматдан норма бўйича амортизация ҳисоблаш ҳеч қачон унинг ногла тенг бўлишига олиб келмайди.

Тугатиш қиймати актив ўз вақтида чиқиб кетиши учун ҳам муҳим. Шу сабабли қолдиқ қиймат тугатиш қийматига тенглашиб қолмагунча уни аниқлаб, амортизация ҳисобланг.

МИСОЛ. Амортизацияни қолдиқни камайтириш усулида ҳисоблаш

2019 йил декабрда ишга туширилган узоқ муддатли активнинг қиймати – 60 000 минг сўм.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 5 йил.

Тугатиш қиймати – 5 000 минг сўм.

Амортизация нормасини ҳисоблаймиз: $100\% / 5 \text{ йил} = 20\%$.

Амортизациянинг икки қарра нормаси, тегишнча, қуйидаги миқдорга тенг бўлади: $20 \times 2 = 40\%$.

Йил	Қолдиқ қиймат, минг сўмда	Амортизациянинг йиллик суммаси, минг сўмда	Амортизациянинг ойллик суммаси, минг сўмда
2020	60 000	$60\,000 \times 40\% = 24\,000$	$24\,000 / 12 = 2\,000$
2021	$60\,000 - 24\,000 = 36\,000$	$36\,000 \times 40\% = 14\,400$	$14\,400 / 12 = 1\,200$
2022	$36\,000 - 14\,400 = 21\,600$	$21\,600 \times 40\% = 8\,640$	$8\,640 / 12 = 720$
2023	$21\,600 - 8\,640 = 12\,960$	$12\,960 \times 40\% = 5\,184$	$5\,184 / 12 = 432$
2024	$12\,960 - 5\,184 = 7\,776$	$7\,776 - 5\,000 = 2\,776$	$7\,776 \times 40\% / 12 = 259,2$
Жами		55 000	

Қолдиқ қиймат тугатиш қийматига (5 000 минг сўм) тенглашмагунча 2024 йилда ҳар ой 259,2 минг сўм ҳисоблаймиз.

Кумулятив усулдан қандай фойдаланилади

Кумулятив, ёки йиллар суммаси усули ҳам жадаллаштирилган амортизация усулидир.

Ҳар йил учун амортизация нормасини фойдали тарзда

фойдаланиш муддатининг охиригача қолган йиллар сонининг йиллар суммасига нисбати сифатида аниқланг (5-сон БҲМС 38-б., 7-сон БҲМС 49-б.).

ORMA

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

МИСОЛ. Амортизацияни кумулятив усулда ҳисоблаш

Узоқ муддатли активнинг қиймати – 60 000 минг сўм. Ундан фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 5 йил.

Йиллар суммаси: $1 + 2 + 3 + 4 + 5 = 15$.

Йил	Амортизация коэффициенти	Амортизациянинг йиллик суммаси, минг сўмда	Амортизациянинг ойлик суммаси, минг сўмда
1-нчи	$5/15 = 0,33$	$60\ 000 \times 0,33 = 19\ 800$	$19\ 800 / 12 = 1\ 650$
2-нчи	$4/15 = 0,27$	$60\ 000 \times 0,27 = 16\ 200$	$16\ 200 / 12 = 1\ 350$
3-нчи	$3/15 = 0,2$	$60\ 000 \times 0,2 = 12\ 000$	$12\ 000 / 12 = 1\ 000$
4-нчи	$2/15 = 0,13$	$60\ 000 \times 0,13 = 7\ 800$	$7\ 800 / 12 = 650$
5-нчи	$1/15 = 0,07$	$60\ 000 \times 0,07 = 4\ 200$	$4\ 200 / 12 = 350$
Жами	1	60 000	

Илгари фойдаланишда бўлган активлар амортизацияси

Ишлаб чиқариш мақсадлари учун илгари фойдаланишда бўлган активни сотиб олсангиз, ундан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини белгилашингиз мумкин:

• уни аввалги мулкдори (фойдаланувчиси) фойдаланган муддатга камайтириб;

• актив тўлиқ эскирганда камида уч йил;

• аввалги мулкдори фойдаланган муддатни аниқлаш имкони бўлмаганда, худди янги актив учун бўлганидек (СК 306-м. 13-15-қ.).

МИСОЛ. Илгари фойдаланишда бўлган автомобиль бўйича амортизация ҳисоблаш

1. Корхона илгари фойдаланишда бўлган автомобилни ҚҚСсиз 24 000 минг сўмга сотиб олган. Шартномада ва қабул қилиш-топишириш далолатномасида кўрсатилишича, сотувчи автомобилни бир йил аввал сотиб олган. Ушбу маълумотларни, шунингдек автомобилнинг техник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда корхона қуйидагиларни белгилади:

• автомобилдан фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 4 йил;

• амортизациянинг йиллик нормаси: $100\% / 4 = 25\%$;

• тенг маромли ҳисоблашда бир ойдаги амортизация суммаси:

$24\ 000 / 4 / 12 = 500$ минг сўм.

2. Корхона илгари фойдаланишда бўлган автомобилни ҚҚСсиз 3 600 минг сўмга сотиб олган. Шартномада ва қабул қилиш-топишириш далолатномасида кўрсатилишича, сотувчи автомобилни 6 йил аввал сотиб олган. Ушбу маълумотлардан, автомобилнинг техник ҳолатидан ва солиқ қонунчилиги нормаларидан келиб чиққан ҳолда корхона қуйидагиларни белгилади:

• автомобилдан фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 3 йил;

• амортизациянинг йиллик нормаси: $100\% / 3 = 33,33\%$;

• тенг маромли ҳисоблашда бир ойдаги амортизация суммаси: $3\ 600 / 3 / 12 = 100$ минг сўм.

3. Корхона илгари фойдаланишда бўлган автомобилни ҚҚСсиз 12 000 минг сўмга сотиб олган. Сотиб олиш ҳужжатларида сотувчи автомобилдан фойдаланилган муддатни кўрсатмаган. Автомобилнинг техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда корхона қуйидагиларни белгилади:

• автомобилдан фойдали тарзда фойдаланиш муддати – 5 йил;

• амортизациянинг йиллик нормаси: $100\% / 5 = 20\%$;

• тенг маромли ҳисоблашда бир ойдаги амортизация суммаси: $12\ 000 / 5 / 12 = 200$ минг сўм.

Солиқ солиш мақсадида амортизация ҳисоби қандай юритилади

Асосий воситалар амортизацияси учун харажатлар нормаланган харажатдир, яъни солиқ солиш мақсадида харажатларга киритишнинг чекланган нормалари белгиланган (СК 306-м.).

Қуйидаги ҳолларда бухгалтерия ва солиқ ҳисоби мақсадида ҳисоблаб чиқарилган суммалар ўртасида фарқ юзага келади:

• СКда белгиланганидан ортиқ нормалар бўйича амортизация ҳисоблангангиз,

ёки

• амортизация ҳисоблаш усулларини (ишлаб чиқариш, қолдиқни камайтириш ёки кумулятив) қўллангангиз.

Солиқ солиш мақсадлари учун белгиланганидан ортиқ нормалар бўйича амортизация ҳисобланганда ошган суммани:

• солиқ базасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида чегириб ташламанг (СК 317-м. 22-б.);

• 012-«Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» баланسدан ташқари счётида акс эттиринг;

• Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада акс эттирманг.

• Ошган суммани келгуси ҳисобот даврларида чегириб ташлашингиз мумкин.

МИСОЛ. Амортизация ҳисобини Солиқ кодексида белгиланганидан ошган норма бўйича юритиш

2020 йил январда корхона қиймати 150 000 минг сўмлик технологик ускунани ишга туширган. Ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади. Корхона ускунанинг мўлжалланаётган хизмат мuddати 5 йил эканлигидан келиб чиқиб унинг учун амортизация нормасини 20% микдорда белгилади. Амортизация тўғри чиқилган усулда ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадлари учун назарда тутилган йиллик чекланган норма – 15% (СК 306-м. 9-қ.). Солиқ ва бухгалтерия амортизацияси ўртасидаги фарқ ҳисобини корхона 012-балансдан ташқари счётида юртади. Тушуниш осон бўлиши учун актив қайта баҳоланиши лозим бўлмаган, унинг тугатиш қиймати нолга тенг бўлган деб оламиз. Корхона февраль ойидан амортизация ҳисоблай бошлайди, бухгалтерия ва солиқ ҳисобида уни қуйдагича акс эттиради:

Давр	Бухгалтерия ҳисоби (20%)	Солиқ ҳисоби		
		чегириб ташланадиган харажат (15%)	кейинга қолдирилган харажат (012-счёти)	жами кейинга қолдирилган
2020 йил февраль–декабрь	$150\,000 \times 20\% / 12 \times 11 = 27\,500$	$150\,000 \times 15\% / 12 \times 11 = 20\,625$	$27\,500 - 20\,625 = 6\,875$	6 875
2021 йил	$150\,000 \times 20\% = 30\,000$	$150\,000 \times 15\% = 22\,500$	$30\,000 - 22\,500 = 7\,500$	$6\,875 + 7\,500 = 14\,375$
2022 йил	30 000	22 500	7 500	$14\,375 + 7\,500 = 21\,875$
2023 йил	30 000	22 500	7 500	$21\,875 + 7\,500 = 29\,375$
2024 йил	30 000	22 500	7 500	$29\,375 + 7\,500 = 36\,875$
2025 йил	$150\,000 \times 20\% / 12 = 2\,500$	22 500	$2\,500 - 22\,500 = -20\,000$	$36\,875 - 20\,000 = 16\,875$
2026 йил	–	16 875	16 875	$16\,875 - 16\,875 = 0$
Жами:	150 000	150 000		

2020 йилда корхона қуйдагиларни акс эттиради:

- бухгалтерия ҳисобида 0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счётида – 27 500 минг сўм;
- чегириб ташланадиган харажат сифатида Фойда солиги ҳисоб-китобида 2-илованинг 0106-«Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси» сатри 3-устунида – 20 625 минг сўм;
- 012-балансдан ташқари счётида бухгалтерия ва солиқ ҳисобидаги тафовулар суммаси – 6 875 минг сўм (27 500 – 20 625). У 2020 йил солиқ ҳисоботида акс эттирилмайди.

Жадевалдан кўринганидек, ускунанинг амортизацияси учун харажатлар умуман олганда ускунанинг ҳақиқий қийматидан ошмайди – 150 000 минг сўм. Бирок бухгалтерия ва солиқ ҳисоби мақсадларида харажатлар турли вақтда ҳисобдан чиқарилади.

2021 йилдан бошлаб асосий воситалар ҳисобини юритишдаги ўзгаришлар

2021 йил 1 январдан бошлаб барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинди (30.12.220 йилдаги ПҚ-4938-сон қарорнинг 9-б.).

Қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда 2021 йил 1 январдан бошлаб:

- солиқ солиш мақсадларида амортизация учун харажатларни бошланғич қийматдан уларнинг қайта баҳоланишини ҳисобга олмасдан аниқланг. 2021 йил 1 январгача сотиб олинган АВ учун у илгари 2021 йил 1 январгача ўтказилган қайта баҳолаш ҳисобга олинган АВ қийматидир. 2021 йил 1 январдан кейин сотиб олинган АВнинг бошланғич қийматини бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланг;

- амортизация ҳисоблашда солиқ солиш мақсадида келгуси қайта баҳолаш натижаларини ҳисобга олманг;

- амортизация қилинадиган активларнинг бошланғич қийматини фақат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ капитал қўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзгартиринг.

Асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш тартибининг бекор қилиниши барча ҳўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан уч йилда бир марта мажбурий қайта баҳоланиши

амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналарга тааллуқли.

Қайта баҳолаш асосий воситалар қийматини замонавий бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида ўтказилади. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби мақсадларида корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган ҳисоб юритишнинг танланган моделлари шуни талаб этса, қайта баҳоланиши ўтказишингиз мумкин (5-сон БҲМС 24, 25-б.).

Молиявий ҳисоботда активларнинг реал адолатли қиймати, у инвесторларга ёхуд ички таҳлил учун тақдим этилса, акс эттирилиши муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда молиявий ҳисобот тайёрлаётган бўлсангиз, у ҳолда бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатида активларнинг вақти-вақти билан қайта баҳоланишини назарда тутишингиз лозим.

Бундай мақсаднинг бўлмаса, қонун ҳужжати билан бекор қилинган муносабати билан асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолаш тартибини чиқариб ташлаб, ҳисоб сиёсатида ўзгариш киритинг (АВ томонидан 14.08.1998 йилда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон БҲМС 55, 56-б.).

Бу ҳолда 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра тиклаш қийматидан амортизация ҳисоблайсиз. Амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усули, нолга тенг тугатиш қиймати қўлланганда ва

солиқ солиш мақсадлари учун чекланган нормаларга мос келувчи нормалардан фойдаланилганда, бухгалтерия ва солиқ ҳисобида амортизация бўйича харажатлар мос келади.

Ҳисоб стандартлари талабларига кўра ёки молиявий ҳисоботда маъқул ва ишончли ахборотни акс эттириш зарурати

туфайли қайта баҳолашни ўтказадиган бўлсангиз, амортизация ҳисоблаш чоғида солиқ солиш мақсадида унинг натижасини ҳисобга олманг.

Бу бухгалтерия ва солиқ ҳисобида амортизация бўйича харажатлар фарқлинишини англатади.

МИСОЛ. Қайта баҳолаш ўтказилганда амортизация бўйича харажатларни тан олиш

Корхона балансида асбоб-ускуна мавжуд, 2021 йил 1 январга унинг тиклаш қиймати – 100 000 минг сўм.

Ҳисоб сибсатиға кўра корхона 2021 йил январда қайта баҳолашни ўтказди, бунинг натижасида асбоб-ускунанинг тиклаш қиймати 10%га ошиб, 110 000 минг сўмни ташкил этди.

Корхона амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулини ва 15%лик нормани қўллаиди. Қайта баҳолашдан кейин амортизация бўйича ҳар ойлик харажатлар куйидаги миқдорни ташкил этади:

- бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолаш ҳисобга олинган қийматдан келиб чиққанда $110\,000 \times 15\% / 12 = 1\,375$ минг сўм;
- солиқ солиш мақсадида фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра қийматдан келиб чиққанда $100\,000 \times 15\% / 12 = 1\,250$ минг сўм. 125 минг сўмлик ($1\,375 - 1\,250$) фарқ фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида чегириб ташланадиган харажат ҳисобланадими.



2021 йилгача ишлаб чиқарилган товарларни реализация қилсангиз, солиқ солиш мақсадида уларнинг ишлаб чиқариш таннархи таркибидеяе амортизацияни тўлиқ чегириб ташлашнинг мумкин. 2021 йил 1 январдан ишлаб чиқарилган товарларни реализация қилиш чоғида амортизацияни солиқ солиш мақсадида келгуси қайта баҳолашларни ҳисобга олмасдан, яъни фақат 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра АВ қийматидан ҳисоблаш қисмида ёки АВ 2021 йил 1 январдан кейин солиб олинган бўлса, бошланғич қийматидан чегириб ташланг.

МИСОЛ. 2021 йилгача ишлаб чиқарилган товарлар реализация қилинганда амортизация бўйича харажатларни тан олиш

Корхона балансида асбоб-ускуна мавжуд, 2020 йилда унинг тиклаш қиймати – 100 000 минг сўм. Корхона амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулини ва 15%лик нормани қўллаиди. 2020 йил декабрь ойида 100 та маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилган, шундан 2021 йил январда 70 та бирлиги реализация қилинган. Ҳисоб сибсатиға кўра корхона 2021 йил январда қайта баҳолашни ўтказди, бунинг натижасида асбоб-ускунанинг тиклаш қиймати 10%га ошиб, 110 000 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳолда қайта баҳолаш декабрь ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига таъсир кўрсатмайди, сабаби декабрь ойида ҳисобланган асбоб-ускуна амортизацияси таннарх таркибига киритилган. 2020 йил декабрда корхона амортизация бўйича харажатларни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи таркибидея акс эттиради: $100\,000 \times 15\% / 12 = 1\,250$ минг сўм. 2021 йил январда корхона 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счётида реализация қилинган маҳсулот таннархини тан олади. Амортизация унинг таркибидея: $1\,250 / 100 \times 70 = 875$ минг сўм. Худди шу сума 2021 йил I чораи учун Фойда солиғи ҳисоб-китобини 2-иловаси 020 ва 0106-сатрларига киритилади.

МИСОЛ. 2021 йилда ишлаб чиқарилган товарлар реализация қилинганда амортизация бўйича харажатларни тан олиш

Корхона балансида асбоб-ускуна мавжуд, 2021 йил 1 январга унинг тиклаш қиймати – 100 000 минг сўм. Ҳисоб сибсатиға кўра корхона 2021 йил январ ойининг бошида қайта баҳолашни ўтказди, бунинг натижасида асбоб-ускунанинг тиклаш қиймати 10%га ошиб, 110 000 минг сўмни ташкил этди. Корхона амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулини ва 15%лик нормани қўллаиди. 2021 йил январ ойида 100 та маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилган, шундан ушбу ойда 70 та бирлиги реализация қилинган. Бу ҳолда қайта баҳолаш январ ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига таъсир кўрсатади, сабаби январ ойида ҳисобланган асбоб-ускуна амортизацияси таннарх таркибига киритилган. 2021 йил январда корхона амортизация бўйича харажатларни қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда асбоб-ускуна қийматидан келиб чиқиб 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи таркибидея акс эттиради: $110\,000 \times 15\% / 12 = 1\,375$ минг сўм. Шу ойда корхона 9110-счётида реализация қилинган маҳсулот таннархини тан олади. Амортизация унинг таркибидея: $1\,375 / 100 \times 70 = 962,5$ минг сўм. Фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида амортизация қайта баҳолашни ҳисобга олмасдан ҳолда, яъни 2021 йил 1 январга асбоб-ускуна қиймати – 100 минг сўмдан чегириб ташланади: $(100\,000 \times 15\% / 12) / 100 \times 70 = 875$ минг сўм. Худди шу сума 2021 йил I чораи учун Фойда солиғи ҳисоб-китобини 2-иловаси 020 ва 0106-сатрларига киритилади.

МИСОЛ. 2020 йил декабрдан 2021 йил январгача ишлаб чиқарилган товарлар реализация қилинганда амортизация бўйича харажатларни тан олиш

Корхона балансида асбоб-ускуна мавжуд, 2021 йил 1 январга унинг тиклаш қиймати – 100 000 минг сўм. Ҳисоб сибсатиға кўра корхона 2021 йил январ ойининг бошида қайта баҳолашни ўтказди, бунинг натижасида асбоб-ускунанинг тиклаш қиймати 10%га ошиб, 110 000 минг сўмни ташкил этди. Корхона амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулини ва 15%лик нормани қўллаиди. 2020 йил декабрь – 2021 йил январ ойларидея 100 та маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилган, шундан февраль ойида 70 та бирлиги реализация қилинган. Бу ҳолда қайта баҳолаш маҳсулот таннархига таъсир кўрсатади, сабаби уни ишлаб чиқариш 2 ой (декабрдан январгача) давом этган, демак, қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда декабрь ва январ ойларидея ҳисобланган асбоб-ускуна амортизацияси маҳсулот таннархи таркибига киритилган. Корхона амортизация бўйича харажатларни 2010-счётида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи таркибидея акс эттиради:

– декабрда: $100\,000 \times 15\% / 12 = 1\,250$ минг сўм; – январда: $110\,000 \times 15\% / 12 = 1\,375$ минг сўм – қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда асбоб-ускуна қийматидан келиб чиқиб. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибида амортизация бўйича жами харажатлар: $1\,250 + 1\,375 = 2\,625$ минг сўм. Февралда корхона 9110-счётда **реализация қилинган** маҳсулот таннархини тан олади. Амортизация унинг таркибида: $2\,625 / 100 \times 70 = 1\,837,5$ минг сўм. Фойда солигини ҳисоб-китоб қилиш чоғида амортизация қайта баҳолашни ҳисобга олмаган ҳолда, яъни 2021 йил 1 январга асбоб-ускуна қиймати – 100 минг сўмдан чегриб ташланади: $(100\,000 \times 15\% / 12 \times 2) / 100 \times 70 = 1\,750$ минг сўм. Худди шу сумма 2021 йил I чораги учун Фойда солиги ҳисоб-китобининг 2-илловаси 020 ва 0106-сатрларига киритилади.



Солиқ солиш мақсадида АВ нархининг қадрсизланиш суммалари чегриб ташланмайдиган харажатларга киритилади (СК 305-м. 10-қ., 317-м. 31-б.).

Капитал қўйилмалар

Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини капитал қўйилмалар ошириши мумкин.

Улар асосий воситаларни куриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга доир харажатлардир.

Улар натижасида АВ фаолият юритишининг норматив қўр-

саткичлари яхшиланса, уларни АВнинг бошланғич қийматига киритинг. Масалан, фойдали тарзда фойдаланиш муддати, қуввати, қўллаш сифати (5-сон БҲМС 23-б.).

Солиқ солиш мақсадида амортизация бўйича харажатларни бошланғич қийматдан қўшимча капитал қўйилмаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланг.

МИСОЛ. Капитал қўйилмалар амалга оширилганда амортизация бўйича харажатларни тан олиш

Корхона балансида бино мавжуд, 2021 йил 1 январга унинг тиклаш қиймати – 3 000 млн сўм. 2021 йил давомида бино реконструкция қилинди. 600 млн сўм миқдордаги реконструкция харажатлари бино қийматига киритилди. Корхона амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулини ва 3%лик нормани қўллади. Харажатлар капиталлаштирилгандан кейин амортизация бўйича ҳар ойлик харажатлар бухгалтерия ва солиқ ҳисобида қуйидаги миқдорни ташкил этади: $(3\,000 + 600) \times 3\% / 12 = 9$ млн сўм.



АВни куриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришда ёки бошқа АВни барпо этишда иштирок этувчи АВнинг амортизацияси бўйича харажатларни бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ капитал қўйилмалар таркибига киритинг.

МИСОЛ. Амортизация бўйича харажатларни капиталлаштириш

Ўз эҳтиёжлари учун бино қурилишида 2021 йил 1 январга қиймати 700 млн сўмни ташкил этган қурилиш техникасида, унинг амортизация бўйича харажатларини капиталлаштирган ҳолда, фойдаланилмоқда. Ҳисоб сибсатига кўра корхона 2021 йил январь ойида қайта баҳолашни ўтказди, бунинг натижасида қурилиш техникасининг қиймати 5%га ошиб, 735 млн сўмни ташкил этди. Корхона амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усулини ва 15%лик нормани қўллади. Қайта баҳолаш ҳисобга олинган қийматдан келиб чиққанда ҳар ойлик амортизация ажратмалари қуйидаги миқдорни ташкил этади: $735 \times 15\% / 12 = 9,2$ млн сўм. Ушбу сумма капитал қўйилмаларга киритилади.

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчи фойда солиғи тўловчисига айланса

Амортизация бўйича харажатлар айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ базасига таъсир кўрсатмайди. Уларни бухгалтерия ҳисоби мақсадларида ҳисоб сибсатиде белгиланган усулларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттиринг.

Фойда солигини тўлашга ўтган ойдан бошлаб ушбу солиқни тўловчилар учун назарда тутилган СК нормаларини қўлланг.

Шу жумладан шу ойдан фойда солигини ҳисоб-китоб қилиш чоғида амортизация учун харажатларни тан олинг:

- 2021 йил 1 январга балансда бўлган АВ учун – ушбу санадаги қийматидан келиб чиқиб;
- 2021 йил 1 январдан кейин балансга қабул қилинган АВ

учун – келгуси қайта баҳолашларни ҳисобга олмасдан упарнинг бошланғич қийматидан келиб чиқиб.

Бунда бухгалтерия ҳисобида амортизация бўйича харажатларни бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва корхонанинг ҳисоб сибсатига мувофиқ тан олинг.

Дилшод СУЛТОНОВ,
молия вазирининг ўринбосари.

Наталья МЕМЕТОВА,
«Норма» МЧЖ эксперти.

ҚАЙТА ИШЛАШГА БЕРИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР – БУЮРТМАЧИНИНГ МУЛКИ

? Корхона краности рельсларини куриш ва кранни йиғиш билан шуғулланади. Иш якунлангач, буюртмачи ижрочи корхонага кран ва рельсларни берганлиги тўғрисида қайта ишлашга берилган материалларга оид далолатномани тақдим этади, ижрочи корхона эса кран ва рельсларни белгиланган кўринишда қайтарганлиги тўғрисидаги бажарилган монтаж ишлари бўйича далолатномани топширади. Ижрочи қайта ишлашга берилган материаллар сифатида олинган краности рельслари ва кранни балансига кириш қилиши, кейин эса буюртмачига берилганда уларни ҳисобдан чиқариши лозимми?

– Йўқ, ижрочи қайта ишлашга берилган материал сифатида олинган краности рельслари ва кранни балансига кириш қилиши, кейин эса буюртмачига берилганда уларни ҳисобдан чиқариши керак эмас.

Рельслар ва кран қайта ишлашга берилган материал ҳисобланади. Уларга эғалик ҳуқуқи буюртмачида қолади. У ижрочи қайта ишлашга берилган материалларни бериш-қабул қилиш далолатномасини ишлар якунлангандан кейин эмас, балки ҳақиқатда материалларни ижрочига бераётганда расмийлаштириши лозим.

Қайта ишлашга берилган материаллар билан ишлаш бўйича операциялар Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 15.03.2010 йилда 2086-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ ҳисобга олинади.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган ТМЗ балансдан ташқари счётларда шартномада назарда тутилган баҳо бўйича акс эттирилади (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3259-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 10-б.).

Ижрочи қайта ишлашга берилган материалларни олганда уларни 003-«Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар» балансдан ташқари счётининг дебети бўйича қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш шартномасида назарда тутилган баҳо бўйича акс эттириши лозим. У рельслар ва кранни ўрнатиб бўлгандан кейин уларни бажарилган монтаж қилиш ишлари далолатномаси билан беради ва 003-счётнинг кредити бўйича ёзувни қайд этади. Ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари бўйича ЭҲФни алоҳида тақдим этади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИЛМАЙДИ

? Умумбелгиланган солиқларни тўловчи компания етказиб берувчи билан ускунадан текин фойдаланиш шартномасини тузди. Шартномада ускуна етказиб бериш хизматлари қиймати белгиланди, шунингдек ушбу сумма битим хизматлар текин кўрсатилади-ган тусда бўлганлиги боис тўланмаслиги кўрсатилади. Компания олинган ускуна ҳисобини 002-«Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» балансдан ташқари счётида юритади. Етказиб берувчи ҳар ой якуни бўйича компанияга «Тўловсиз» белгиси билан ҳисобварақ-фактура тақдим этади.

1. Бунда қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?
2. Мазкур операция қандай бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади?

1 Корхона ускунадан текин фойдаланганда даромад олади. Даромад хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Текин олинган хизматларнинг бозор қиймати ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим. Бундай ҳужжатлар, хусусан, юкни ортиш, етказиб бериш ёки беришга оид ҳужжатлар бўлиши мумкин (СК 299-м. 1, 2-қ., 3-қ. 1-б.).

Даромадни шартномада ва ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган хизматлар қийматига асосан аниқлашнинг мумкин. Фойда солиғини ҳисоблашда уни жами даромад таркибига кириштириш лозим (СК 297-м. 3-қ. 10-б.).

2 Ускунадан текин фойдаланишдан олинган даромад фақат солиқ солиш мақсадларида аниқланади. У бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Азизахон ТОШХҲАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.



ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТўЛОВЛАР ЖШДСдан ОЗОД ЭТИЛГАН

Бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ижараси учун компенсация жами даромадга киритилмайди ва ЖШДС солинмайди. Бунга ДСҚнинг матбуот хизмати soliq.uz сайтида эълон қилинган Президентнинг «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (11.01.2021 йилдаги ПҚ-4940-сон) шарҳида эътибор қаратди.

Шунингдек матбуот хизматининг тушунтиришича, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга қуйидагича ҳақ тўланади:

- БҲМнинг 50 баравари миқдоридан бир марталик бошланғич ёрдам пули;

- уй-жойни ижарага олганлик учун БҲМнинг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик пул компенсацияси.

Тиббий олий таълим ташкилотини охириги 3 йил ичида тамомадан ва бошқа ҳудудда яшовчи тиббий ходим олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларга ишга қабул қилинганда:

- 30 млн сўм миқдоридан бир марталик бошланғич ёрдам пули;

- уй-жойи бўлмаганларга 3 йил давомида хизмат уйлари ёки БҲМнинг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик пул компенсацияси тўланади.

Имтиёзлар бакалаврият ёки магистратуранга (таълим шаклидан қатъи назар) тугатгандан кейин 3 йил мобайнида ишга қабул қилинган ОТМ битирувчиларига татбиқ этилади. Уй-жой ижараси учун компенсация

ишга қабул қилинган ойдан бошлаб 36 ой мобайнида тўланади.

Ҳар ойлик пул компенсацияси ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланади ва бухгалтерия томонидан иш ҳақи билан бирга тўланади.

Чекка ҳудудда жойлашган бир бюджет ташкилотидан ёки тиббий муассасадан бошқа тегишли ташкилотга ўтганда тўловлар белгиланган муддат тугагунига қадар давом эттирилади.

Қуйидаги ҳолларда уй-жой ижараси учун компенсация тўлови муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- бепул хизмат уйи берилганда;
- уй-жой сотиб олинганда;
- иш жойидан бўшатилганда.

Охириги ҳолатда мутахассислар ҳам, тиббиёт ходимлари ҳам бошланғич ёрдам пули суммасини тўлик ҳажмда бюджетга қайтаришлари керак.

Рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 7.06.2019 йилдаги 471-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган ҳудудлар олис ва чекка ҳудудлар ҳисобланади.

buxgalter.uz

РЕКЛАМА

**«СОЛИҚЛАР:
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

АКЦИЗ БЕКОР ҚИЛИНДИ: БУ НАРХЛАРДА ҚАНДАЙ АКС ЭТАДИ

2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённомага (Минск, 2013 йил 31 май) мувофиқ 2020 йил 31 декабрда маҳаллий ишлаб чиқаришдаги товарларга ва уларни олиб киришда акциз солиқларини бирхиллаштириш учун Ўзбекистон томонидан қабул қилинган ўтиш даврининг муддати тугади. Бирхиллаштиришнинг оқибатларини Молия вазирлигининг билвосита солиқлар ва божхона тўловлари методологияси бўлими бошлиғи Баҳодир БОЙҚОБИЛОВ шарҳлайди:

– Тарифлар ва савдо бўйича бош битимнинг (30.10.1947 й.) III моддасига қўра «Ахдлашувчи томонлар ички солиқлар ва бошқа ички йиғимлар, ички савдога, сотиш, сотиб олиш, ташини, товарларни тақсимлаш ёки улардан фойдаланиш бўйича таклифларга ташлуқли бўлган қонунлар, қоидалар ва талаблар, шунингдек аралаштириш, қайта иш-

лаш ёки товарлардан муайян миқдорий ёки улушларда фойдаланишни талаб қилувчи миқдорий тартибга солишнинг ички қоидалари импорт қилинган ёхуд маҳаллий товарларга нисбатан ички ишлаб чиқариш учун химояланиш шартини яратадиган тарзда қўлланмаслиги кераклигини тан оладилар».

Ўз мажбуриятларини бажариш учун Ўзбекистон 2021 йил 1 январдан бошлаб 73 турдаги товарлар, шу жумладан электротехника маҳсулотлари (музлатгичлар, кондиционерлар, кир ювиш машиналари), озик-овқат маҳсулотлари (маргарин, қандолат ва бошқа маҳсулотлари) ва бошқалар бўйича акциз солиғини бекор қилди (МВНнг 30.12.2020 йилдаги 06/04-01-02-32/3200-сон Ахборот хабарининг 2.2-б.).

Импорт қилинадиган айрим турдаги товарларга акциз солиғининг бекор қилиниши тadbirkorлик субъектларига тенг шароитларни таъминлайди. Қолаверса, мазкур товарлар бўйича нархларнинг вақтинча пасайиши кузатилади. Мисол жадвалда келтирилган:

Газетамизнинг 19.01.2021 йилдаги 3 (1379)-сонда Божхона брокерлари уюшмаси томонидан ДБК ва ИТСВнинг фаол иштирокида ўтказилган онлайн форматдаги семинар ҳақида сўз очган эдик. Тадбирнинг диққат марказида турган мавзулардан бири – Ўзбекистонда ваколатли иқтисодий оператор институтини ривожлантириш бўлди. Бу ҳусусда ДБК Божхона маъмуриятчилигида илғор ва инновацион усуллари жорий этиш бошқармасининг ходими Азиз МУҲСИНОВ гапириб берди.

ВИО МАҚОМИДА ЯНГИЛИК

Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш ва божхона расмийлаштируви ва назорати жараёнларини тезлаштириш соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистонда ваколатли иқтисодий операторлар (ВИО) институтини жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилди. ВИО институтини ривожлантириш божхона жабҳасида ханузга қадар долзарб масалалардан бўлиб қолаётган. Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низом (24.08.2020 йилдаги 500-сон ВМҚ билан тасдиқланган) билан мазкур мақом берилган юридик шахсларнинг рўйхати кенгайтирилди. Божхона тизими ходими агар авваллари ВИОга фақат импорт қилувчи ва экспорт қилувчилар кирган бўлса, эндиликда ушбу мақомни олиш учун божхона соҳасига яқин инфратузилма вакиллари, логистика, транспорт ва экспедиторлик компаниялари ва ташки савдо операцияларининг бошқа иштирокчилари талабгор бўлиши мумкин. Бугунги кунда республикада 30 дан ортиқ ВИО ишлаб турибди.

ВИО – божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш учун ушбу Низом талабларига жавоб берувчи юридик шахсларга берилган мақом. ВИО Ваколатли иқтисодий операторлар реестрга кiritилган вақтдан бошлаб, хавф даражаси паст бўлган тоифага қиради. А.Муҳсинов давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари оператор бўла олмаслигини таъкидлади.

Унинг маълум қилишича, Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция (Киото конвенцияси)*; ЖСТнинг жаҳон савдоси хавфсизлиги ва енгиллашуви ҳадли, ЖСТнинг савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги қелишуви ВИОнинг ривожланиши учун

*Ўзбекистон Конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартiriшлар билан) қўйидаги қўшимча шарт билан қўшилган: «Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг барча шловалари ва бабларини қабул қилади, бундан «Е» Маҳсул шловасининг 3-боби (Товарларни каботаж ташини) мустасно» (21.12.2020 йилдаги ЎРК-654-сон Қонун).

Импортга акциз солиғининг бекор қилинишида товарлар нархининг ўзгариши

АҚШ доллари

«Samsung WW60J4063LW/LD» кир ювиш машинаси	Божхона қиймати	Бож (20 %)	Акциз солиғи (10 %)	ҚҚС (15 %)	Товарнинг нархи	Устама (10 %)	Нархи ҚҚС билан бирга	Сўмда (1 АҚШ доллари = 10 440 сўм)
2021 йилнинг 1 январига	180	36	18	35,1	269,1	296	340,4	3 553 896,1
2021 йилнинг 1 январидан кейин	180	36	0	32,4	248,4	273,2	314,2	3 280 519,4
Фарқ			-18				-26,2	-273 376,6

Келгусида мазкур турдаги товарларга талабдан келиб чиқиб нархлар талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олган ҳолда шаклланади.

Импорт чоғида акциз солиғи бекор қилинган товарларнинг асосий гуруҳларини санаб ўтаемиз:

Озик-овқат маҳсулотлари	Айрон, ивтиланган сут ва қаймоқ, йогурт, кефир ва бошқа ферментланган ёки қатик ва қаймоқлар, пишлоқ ва творог, маргарин, қолбаса ва шунга ўхшаш гўшт маҳсулотлари, шакардан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари, шоколад ва таркибида какао бўлган бошқа тайёр озик-овқат маҳсулотлари, шоколад ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, шоколадли конфетлар, шоколад ва бошқа тайёр озик-овқат маҳсулотлари, нон, ундан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари, пирожний, печеньелар ва бошқа нон-булка ва ундан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари, ширин курук печенье, вафли ва вафли тасмалари, сабзавот, мева, ёнғоқ ёки ёшига исетьмол қилинадиган бошқа ўсимлик қисмлари, томатлар, мева шарбатлари (шу жумладан узум шарбати) ва сабзавот шарбатлари, музқаймоқ, сувлар, шу жумладан, табиий ёки сунъий маъдани, газланган, сувлар, шу жумладан маъдани ва газланган, таркибига шакар қўшимчалари бўлган сувлар
Плиталар, листлар, плёнка, лента, тасма ва бошқа ясси шакллар	Ўлчами 1 мм дан кўп бўлган кўндаланг кесмали моноишлар, чивиклар, стерженлар ва фасонли профиллар, плиталар, листлар, плёнка, тасма, полса ва пластмассадан тайёрланган бошқа ясси шакллар, пластмассадан тайёрланган бошқа қурилиш деталлари
Гилам буюмлар	Тутунли гиламлар ва ва полга тўшаладиган бошқа тўқимачилик қопламалари, тайёр ва тайёр бўлмаган, тўқима гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган бошқа тўқимачилик қопламалари, гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган бошқа тўқимачилик қопламалари, намат ёки фетрдан тайёрланган гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган бошқа тўқимачилик қопламалари
Қора металлдан ясалган металл конструкциялари	Ҳар қандай, фақат ёки асосан лист материалдан тайёрланган, изоляцияловчи тўлдирувчи гофрланган (қовурғасимон) листдан тайёрланган 2 деворли панеллар
Алюмин қотишмалардан ясалган профиллар	Алюмин қотишмалардан тайёрланган ювакли профиллар; бошқа алюмин қотишмалардан тайёрланган қуйма профиллар, бундан ювақилари мустасно; алюминдан қуйилган бошқа буюмлар, 8701-8705 товар позицияларидаги моторли транспорт воситаларини санаотлашган йиғиш учун мўлжалланганлари, уларнинг узел ва агрегалари бундан мустасно; бошқа алюминдан тайёрланган, авиация моторлари ва (ёки) фукароник ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган буюмлар, бундан қуймалари мустасно
Маҳкамловчи арматура, марказий иситиш учун бошқа қозонлар, тортилувчи қопқоклар ёки шкафлар	Бинолар, эшиклар, дезазалар учун ишлатиладиган, кимматли бўлмаган металллардан тайёрланган маҳкамловчи арматура, фурнитур ва шунга ўхшаш деталлар, марказий иситиш учун бошқа қозонлар, энг катта горизонтал ҳажми 120 см дан кўп бўлмаган тортилувчи қопқоклар ёки шкафлар
Электр техника товарлари	Фақат газда ёки газда ва бошқа турдаги ёқилғида овқат тайёрлаш ва иситиш учун мосламалар, овқат тайёрлаш ва иситиш учун бошқа ошхона мосламалари; электрда исийдиган марказий иситиш учун радиаторлар ва уларнинг қисмлари; иссиқ ҳавони етказиш учун ҳавони иситувчилар ва тақсимловчи мосламалар, ҳавони совутиш учун қурилмалар, комбинацияланган совутич-музлатгичлар, бошқа комбинацияланган совутич-музлатгичлар, бошқа маиший компрессион совутичлар, вертикал типдаги музлатгич шкафлари, бошқа вертикал типдаги музлатгич шкафлар, совутич витриналар ва пештахталар, бошқа совутич витриналар ва пештахталар; кир ювиш машиналари, маиший ёки қирхоналар учун, шу жумладан сикши қурилмаси билан жиҳозланган машиналар; ичга қурилган электр двигателли чангютичлар, ичга қурилган электр двигателли бошқа чангютичлар; сув оқизадиган электр сув иситгичлар, сувни жамлайдиган электр сув иситгичлар; электр дазмоллар; микротўқинли печлар; маиший стационар электр плиталар, бошқа электр плиталар; бевосита 8471 рақами товар позициясидаги ҳисоблаш машиналарига уланадиган ва улар билан ишлаш учун ишлаб чиқарилган бошқа мониторлар; телевизион алоқа учун приемникли аппаратура, бошқа рангли тасвирдаги, экран билан, электр механик хонадон викиночеллари, бошқа итгеселлар ва розеткалар
Қандиллар ва бошқа электр ёритиш ускуналари	Қандиллар ва бошқа осиб қўйиладиган ва деворга илинадиган электр ёритиш ускуналари, бошқа электр лампалар ва ёритиш ускуналари, бошқа материаллардан тайёрланган, чўгланувчи лампалар билан ишлатишга мўлжалланган бошқа прожекторлар, бундан тиббиёт мақсадлари учун мўлжалланганлари мустасно

база ҳисобланади. ВАО институтини илғор хорижий тажриба, хусусан, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги, ЕИ, ЕОИИ ва Хитой мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш ҳисобига шаклланди.

Гувоҳнома ва ВАОга танлаш мезонлари

Ваколатли иқтисодий операторларга бериладиган гувоҳнома 3 турда бўлади (I, II, III). У божхона операцияларини амалга оширишда соддаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Хужжат келювсиз муддатда амал қилади, юридик шахс реестрга киритилган кундан бошлаб кучга киради. Гувоҳномани бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Божхона тизими мутахассиси ҳар бир турдаги гувоҳноманинг шакллари билан таништириб чиқди ва гувоҳномани олиш учун ВАОга қўйилган талаблар хусусида батафсил тўхтади.

Барча турдаги гувоҳномалар учун қўйилган умумий талаблар:

1) божхона органларига мурожаат қилинган кунга қадар ўтган бир йил мобайнида МЖТКнинг 171, 171-1, 174, 175, 176, 177 ва 227–227-21, 227-22-модданинг биринчи қисми, 227-23–227-27-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтер ва ваколатли шахсининг, шунингдек, ушбу лавозимларни охириги бир йил давомида эгаллаган шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлик ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

2) божхона органларига мурожаат қилинган кунга қадар сўнгги 5 йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари ва бош бухгалтер, шунингдек, ваколатли шахси ЖКнинг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

3) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шу жумладан, улар бўйича жарима ва пенялар тўлаш юзасидан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги;

4) божхона органларида реестрга киритиш ҳақида аризани қайд этиш кунига қадар камида 3 йил ТИФни амалга оширган бўлиши, бунда:

• божхона брокери сифатида фаолият юритувчи шахслар, ҳар йили товарларни фактура қиймати камида 10 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилган ҳолда, 500 тадан кам бўлган БЮДни тақдим этиши;

• божхона омбори эгаси сифатида фаолият юритувчи шахслар, божхона органларида мурожаат қайд этилган кунда амал қилувчи валюта курси бўйича йиллик қиймати 10 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилган ҳолда, 10 млн кг микдордаги товарлар сақловини амалга ошириши;

• божхона ташувчиси сифатида фаолият юритувчи шахслар, ҳар йили 200 тадан кам бўлмаган импорт ва (ёки) экспорт юқларининг (партия) халқаро ташувларини амалга ошириши;

• товарларни импорт ва (ёки) экспортни амалга оширувчи шахслар, товарлар айланмасининг қиймати сўнгги 12 ой мобайнида камида 2 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилиши ва камида 100 та импорт ва (ёки) экспорт БЮДни расмийлаштирган бўлиши ёки тўланган божхона тўловларининг суммаси БХМнинг камида 20 000 баробарини ташкил қилиши ва камида 50 та БЮДни расмийлаштирган бўлиши лозим.

II турдаги гувоҳнома учун талаблар:

1) Низомга 3-иловага мувофиқ белгиланган талабларга мос келадиган товарларни сақлаш учун омбор сифатида фойдаланишга мўлжалланган (фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқида) иншоотлар, бинолар (биноларнинг бир қисми) ва (ёки) очик майдончаларга (очик майдончаларнинг бир қисми) эга бўлиши;

2) ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик мавжуд эмаслиги.

III турдаги гувоҳнома учун талаблар: III турдаги гувоҳнома асосида реестрга киритиш ҳақида ариза берилган пайтда юридик шахс божхона органларига ариза берган кунга қадар камида 2 йил давомида I ва (ёки) II турдаги гувоҳномага эга бўлган оператор сифатида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши лозим.

Талабгорнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш

ДБК ходими реестрга киритиш учун талабгор бўлган юридик шахснинг молиявий барқарорлигини аниқлашнинг асосий таркиблари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари рўйхати ва уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, бу кўрсаткичларнинг мезонлари ва уларнинг қийматини (балларда), юридик шахс молиявий барқарорлигининг ялпи кўрсаткичини ҳисоб-китоб қилиш тартибини ўз ичига олувчи уни белгилашнинг аниқ алгоритми тақлиф этилди. Бунда ялпи кўрсаткичининг қиймати реестрга киритиш учун **50 баллдан кам бўлмаслиги керак.**

Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг қиймати реестрга киритишга талабгор бўлган юридик шахс томонидан бухгалтерия (молия) ҳисоботида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳисобланади, у Евросиё иқтисодий иттифоқида аъзо давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва (ёки) тақдим этилади. Улар йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисобот асосида охириги 3 ҳисобот йили учун молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Ҳар бир кўрсаткич нималарни ифода этиши ҳақида баён келтирилган. Шу билан бирга ҳисоб-китобнинг умумий формулалари келтирилган.

ДБК ходими барча турдаги гувоҳноманинг эгалари учун махсус соддаштирилган назарда тутилганлигини таъкидлаб, ҳар бир гувоҳнома



учун назарда тутилган соддаштирилган тартиб-таомиллар ҳақида тўхтади.

Оператор макomini тўхтатиб туриш ҳақида

Мазкур тартиб-таомил қуйидагича амалга оширилади:

• операторнинг ёзма мурожаати-га асосан;

• МЖТКнинг 171, 171-1, 174, 175, 176, 177 ва 227–227-21-моддалари, 227-22-модданинг биринчи қисми, 227-23–227-27-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтер, шунингдек, ваколатли шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд қарори кучга кирганда (*тўхтатиб туриш муддати 1 йилни ташкил этади*);

• ЖКнинг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтер ёхуд ваколатли шахсига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда (*суднинг оқлов ҳукми чиқарилгунга қадар*);

• хабарномада белгиланган муддатда солиқлар ва бошқа мажбурий тў-

ловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки тўлиқ бажарилмаганда (*тўхтатиб туриш муддати 30 иш кунини ташкил этади*);

• Низомнинг 10-банди 5-хатбоши-сига мувофиқ белгиланган фаолият кўрсаткичлари камайганда (*белгиланган мезонларга мувофиқлаштирилгунга қадар, лекин 1 йилдан ортиқ эмас*);

• Низомнинг 14-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугаганда.

А.Мухсинов юқорида қайд этилган асослар мавжуд бўлганда ДБК оператор макomini амал қилишини тўхтатиши ва тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан 1 иш кунидан кечиртирмай уни ёзма равишда хабардор қилишини таъкидлаб ўтди.

Мақомни тўхтатиб туриш билан боғлиқ ҳолатлар баргараф этилган ёки суднинг оқлов ҳукми чиқарилган кундан сўнг ВАО 5 иш кунини ичида ДБКга тегишли хабарнома юборади. Қўмита хабарномани олган кундан эътиборан 5 иш кунини ичида операторнинг макomini қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қабул қилинган қарор тўғрисида уни хабардор қилади.

ДБК Божхона маъмуриятчилигида илғор ва инновацион усулларни жорий этиш бошқармасининг вакили ўз чиқишида реестрни шакллантириш қондалари, танлаш мезонлари, реестрга киритиш учун аризани тақдим этиш ҳамда уни кўриб чиқиш тартиби хусусида атрофлича гапириб берди. Операторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва операторлар фаолиятини назорат қилиш дастаклари хусусида алоҳида тўхтади.

Семинар иштирокчиларини III турдаги гувоҳномага эга бўлган операторларга Низомда назарда тутилмаган ва ЎзР ўзаро тегишли шартномалар тузган хорижий давлатлар ҳудудида қўлланиладиган бошқа имтиёзлар ва махсус соддаштиришлар тақдим этилиши руҳлантириб юборди.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ назарда тутилган имтиёзлар ва махсус соддаштиришлар хорижий давлатларнинг ВАОларига ҳам ўзаро асосда берилиши мумкин.

Ўз чиқишини яқунлар экан, божхона тизими вакили ВАО институтини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар ҳақида гапириб берди. Улар қаторида – ВАО реестрига киритиш учун аризаларни бериш ва кўриб чиқиш жараёнини автоматлаштириш, ТИФ иштирокчиларининг кенг қатлами Интернетда тегишли контентни ташкил этган ҳолда мазкур институтнинг имконият ва устуқликлари ҳақида маълумот бериш, ВАО гувоҳномасини янада тезроқ бериш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан ўзаро электрон ахборот алмашинувини ташкил этиш ишлари турибди.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✓ **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ЙЎЛИГА ҒОВ БЎЛИБ...

Президентимиз ўтган йил 27 июль куни яширин иқтисодийликни қискартириш бўйича олиб борилган ишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Бу йўналишда божхона органлари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклатилиб, соҳада инсон омилига чек қўйиш орқали контрабанда ва маҳсулотларнинг божхона қийматини сунъий пасайтириш ҳолатлари устидан божхона назоратини кучайтириш, импорт товарларнинг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишга тушириш, яъни «Божхона аудити» ахборот тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш тадбиркорларни жазолаш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш дегани эмас. Балки жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали майда коррупцияга ҳам қатъий чоралар кўриш, ўз навбатида, коррупцион ва яширин фаолиятга муқкасидан кетган инсофсиз тадбиркорларга нисбатан жавобгарликни кучайтиришдан иборат.


Хоразм вилояти божхона бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бўлими ҳамда Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари томонидан 2020 йил давомида берилган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиш ёки имтиёзларни нотўғри қўллаш натижасида 14 та ҳолатда 12,3 млрд сўмлик қўшимча божхона тўловлари ҳисобланган.

Соҳада «ҳалоллик вакцинаси» билан «омлашиш» учун жамоатчилик назоратини кучайтиришга катта урғу берилаяптир. Шу туфайли аҳоли ва тадбиркорларнинг божхона соҳасида учраётган ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар хусусида тезкор тарзда хабар бера олишини таъминлаш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг қисқа 11-08 рақамли ёки Хоразм вилояти божхона бошқармасининг 62-227-70-11 рақамли «Ишонч телефонлари» уззукун ишлаб турганлигини эслатиб ўтамиз.

Хоразм вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

ХОТИРА

МАСЛАҲАТЧИ ДЎСТ ЭДИ



Мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқи бўйича етакчи эксперт – **Рисқуллаев Абдусалом Абдувалиевич** оламдан ўтди.

Абдусалом ака ҳарбий хизматдан сўнг 1983 йилда Тошкент давлат университетини битириб, кўп йиллар давомида республика аҳамиятидаги давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритди. 10 йилдан ортиқ (1991–2005 йиллар оралиғида) Давлат меҳнат инспекциясининг бошлиғи – Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бош ҳуқуқий инспектори, 2005–2011 йилларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси юридик бўлимининг мудирини бўлиб ишлади.

Ҳам хизмат тақозосига кўра, ҳам меҳнат ҳуқуқини чуқур билувчи юқори малакали мутахассис бўлганлиги боис А.А.Рисқуллаев Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун, меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этди.

«Norma» нашриёти томонидан чиқарилган меҳнат муносабатларига оид бир қатор китоблар муаллифи ва тўпламлар тузувчиси бўлди. Минглаб нусхаларда чоп этилган «Меҳнат дафтarchасини юритиш амалиёти», «Ходимлар бўйича менежернинг стол китобчаси» ва бошқа нашрлар ҳозирги кунга қадар ташкилотларнинг кадрлар бўлими ходимлари учун қимматли қўлланма бўлиб қолмоқда.

Абдусалом Рисқуллаев қарийб 20 йил мобайнида доимий равишда «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича етакчи эксперти бўлиб келди – дастлаб компания билан яқиндан ҳамкорлик қилди, кейин эса 2011 йилда штатдаги ходимга айланди. Шу йиллар давомида «Солиқ ва божхона хабарлари»-«Налоговые и таможенные вести», «Норма маслаҳатчи»-«Норма» газеталарининг «Кадрлар бўлими» рукнида бериб борилган Абдусалом Рисқуллаевнинг тушунтириш ва тавсиялари кадрлар бўлими ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Айнан шу материаллари туфайли А.А.Рисқуллаев 2013 йилда «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» республика танловининг ғолиби бўлди.

Фаолиятининг сўнгги йилларида А.А.Рисқуллаев «Norma» профессионал ривожланиш ўқув марказида маърузалар қилиб, Марказ тингловчилари билан ўзининг меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги билимлари билан ўртоқлашди.

Бир сўз билан айтганда, Абдусалом Рисқуллаевнинг фаолияти бизнес ҳамжамиятининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилди.

Абдусалом Рисқуллаев ўз соҳасининг билимдон кишии бўлишидан ташқари, спортга яқиндан ҳамроҳ эди, хусусан, бокс бўйича СССР спорт устаси унвони соҳиби бўлган. У киши намунави оила бошлиғи, 3 нафар кизининг отаси ва 4 нафар пабираниннг суюкли бобоси эди.

Ажойиб мутахассис, меҳнатқаш ва олижаноб инсон Абдусалом аканиннг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

«Norma» МЧЖ раҳбарияти ва жамоаси.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

ҚИММАТБАҲО ТОШ САВДОСИ «ҚИММАТГА ТУШДИ»

Республикамиз божхоначилари тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний айланмасига чек қўйишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам давом эттиришмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари томонидан Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда пойтахтда ўтказилган тезкор тадбирда йирик миқдордаги қимматбаҳо тошлар ва қадимий тилла тангаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний равишда олиб кириш ва сотиш фаолияти билан шугулланиб келаётган жинорий гуруҳ фош этилди.

Тезкор тадбир давомида аввалдан

қузатувга олинган 5 нафар фуқаро Чилонзор туманидаги хонадонлардан бирида муқаддам Афғонистондан олиб келинган 2,5 кг дан ортиқ оғирликдаги зумрад қимматбаҳо тошларини 500 минг АҚШ долларига, шунингдек, 8 грамм оғирликдаги 1 дона қадимий тилла тангани 10 минг АҚШ долларига соғаттанда тўхтатиб қолинди.

Дастлабки ўрганишларга кўра, ушбу тилла танга эрамизнинг III асрига мансуб бўлиб, Қушон давлатида зарб қилинган.

Шунингдек, ушбу шахслардан

бирининг ҳамёнида 3 дона олмос тошлари борлиги ҳам аниқланди.

Ҳисоб-китобларга кўра мазкур ҳолатда олиб қўйилган қимматбаҳо тошлар ва қадимий тилла танганин умумий қиймати 16 млрд 818 млн сўмни ташкил қилди.

Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича жиноятга алоқадор бошқа шахсларни аниқлаш юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Отабек ОДИЛОВ,

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ
«Norma» МЧЖ

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир Уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Таҳририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Газета ношир – «ТОРPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165, Қўғоз бичими – А3, Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда. Бюроорта м 232. Адади 545. Газета 2021 йил 1 февраль соат 16.00 да топирилди.